ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРОЗИҚ РАФИЕВ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ – ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИ

Ўқув қўлланмаси

ТОШКЕНТ – 2004 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу қўлланма ўзбек филологияси, шарқ тиллари ва туркология йўналишида таълим олувчи талабалар, ўқитувчилар, туркий тиллар тараққиёти билан шуғулланувчи илмий ходимлар ҳамда тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Қўлланмада туркий тилларни қиёсий ўрганиш тарихи ва муаммолари, тил сатҳлари бўйича таҳлили, ҳозирги туркий тилларнинг фонетикаси ва морфологиясига боғлиқ масалалар ёритилган. Илова қисмида туркий халқларнинг алифболари ва адабий матн намуналари берилган.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. А.Жўраев

Тақризчилар: ф.ф.н., доц. З.Хамидов
ф.ф.н., доц. И.Йўлдошев

Мазкур қўлланма ўзбек филологияси факультети ўқув-методик кенгаши (2003 йил 19 февраль) ва ЎзМУ илмий-методик кенгаши (2003 йил апрель) йиғилишларининг қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЧИДАГИЛАР :

1.Сўз боши ---------- 3
2.Кириш ---------- 4
3.Туркий тилларнинг умумий белгилари ва уларни ўрганиш муаммолари ---------- 6
4.Туркий тиллар ва уларнинг таснифи масаласи ---------- 10
5.Туркий тилларнинг киёсий–тарихий ўрганилиши тарихи ---- 14
6.Туркий тилларда унли товушлар тизими ---------- 18
7.Туркий тилларнинг ундошлар тизими ---------- 23
8.Ҳозирги туркий тилларнинг киёсий фонетикаси ---------- 27
9. Морфология ---------- 34
10.Туркий тилларда суз таркиби ва грамматик маънонинг ифодаланиш усуллари ---------- 37
11.Туркий тилларда сўз ясалиши ---------- 40
12.Туркий тилларда сўз ўзгариши ---------- 43
13.Туркий тилларда эгалик ва сон категориялари ---------- 46
14.Туркий тилларда келишиклар тизими ---------- 50
15.Туркий тилларда олмошлар ---------- 53
16.Туркий тилларда сифат ---------- 56
17.Туркий тилларда ёрдамчи феъллар ---------- 60
18.Ҳозирги туркий тилларда феълнинг замон шакллари ------- 64
19.Туркий тилларда феълнинг бўлишсиз шакллари ---------- 77
20.Туркий тилларда сўз бирикмаси ва гап қурилиши ---------- 80
21.Иловалар ---------- 84

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз боши

Ўзбек филологияси йуналишида таълим олувчи талабалар туркий тилларнинг умумтипологик хусусиятларини, тарихий тараккиёт давомида бу тилларнинг фонетик – лексик. морфологик – синтактик сатхларида рўй берган ўзгаришларни киёслаш асосида пухта ўрганадилар.Аммо узбек тилида бу каби масалаларни ёритадиган илмий – методик адабиёт мавжуд бўлмаганлиги туфайли ўкув режасидаги "Туркий тилларнинг киёсий – тарихий грамматикаси" номли мутахассислик фанини узлаштиришда кийинчиликлар юзага чикар эди.Ушбу ўкув кулланмаси шу максадда илк маротаба яратилди.

Кўлланма асосан икки кисмдан ташкил топган.Биринчи кисмида фаннинг назарий маълумотлари мужассамлаштирилган бўлиб, унда туркий тилларга хос лингвистик ходисаларнинг диахрон ва синхрон киёси, кардош тилларнинг фонетик, лексик хамда морфологик хусусиятлари тавсифланади.Жумладан, туркий тилларни киёсий ўрганиш муаммолари, киёсий – тарихий методнинг шаклланиши, туркий тилларни киёсий – тарихий урганилиши тарихи, туркий тиллар вокализми, ундошлар тизими, сўз туркумларининг киёсий талкини, сўз узгариши масалалари каби мавзулар илмий – оммабоп услубда баён этилган.Хар бир мавзудан сўнг савол ва топшириклар, ўрганилиши зарур хисобланган илмий адабиётлар рўйхати берилган. Савол ва топшириклардан ўрганилган мавзуни мустахкамлашда, талабаларни туркий тилларга хос умумий хамда хусусий жихатлар юзасидан мустакил фикрлашга ўргатишда фойдаланиш тавсия этилади.

Китобнинг иккинчи кисмида кўшимча материаллар илова тарзида келтирилган бўлиб, у уч бўлимдан иборат.Биринчи бўлимда туркий тилларнинг алифболари берилган.Бу алифболар ёрдамида иккинчи бўлимга киритилган адабий – бадиий парчаларни ўкиш, ўрганиш ва лингвистик тахлил этиш имконияти яратилади.Учинчи бўлимдан турли туркий тилларга оид халкаро транскрипциядаги диалогик матн намуналари жой олган бўлиб, улардан хозирги туркий тилларда сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришда фойдаланиш максадга мувофикдир. Кўриниб турибдики, иловадаги материаллар амалий машгулотларнинг самарали ўтказилишига хизмат килади.

Кўлланмани тайёрлашда хорижий, хусусан, инглиз, турк ва рус тилидаги мавжуд илмий адабиётларга, луғатларга таянилди. Шунингдек, муаллифнинг «Туркий тилларнинг киёсий – тарихий грамматикаси» фанини укитиш жараёнида тўплаган тажрибасига асосланилди. Табиийки, кўлланма бу соҳадаги дастлабки нашр бўлганлиги учун хам етишмовчиликлардан холи эмас, унда туркологиянинг барча масалаларини, тил ходисаларини ёритиш имконияти бўлмади. Аминмизки, кўлланманинг кейинги нашри янада бойитилиши, мукаммаллашувида Сизларнинг таклиф ва истакларингиз жуда аскотади.

Муаллиф

www.ziyouz.com kutubxonasi

К И Р И Ш

«ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ–ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

"Туркий тилларнинг қиёсий—тарихий грамматикаси» фани республикадаги олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси ва туркий филология(тиллар бўйича) йўналишларида асосий мутахассислик фани сифатида ўқитилади.

Фаннинг асосий мақсади филолог — талабаларда туркий тилларнинг фонетик ва грамматик қурилиши,унинг ўрганилиш тарихи, лисоний сатҳлар бўйича киёсий тавсифи, туркий тилларнинг рус тилшуносларн томонидан ва чет элларда қилинган таснифи хусусида, бу тилларнинг ўзаро ва бошқа олтой(мўғул, тунгус— маньчжур) ва урал—фин тилларига муносабати каби масалалар бўйича етарли маълумот берилишига эришишдир.

Шу билан бирга туркий тилларда турли тил сатҳлари ва ҳодисаларидаги муштараклик, яқинлик ҳамда улардаги фарқлар, бу тилларнинг генетик ҳамда типологик қариндошлигини кўрсатувчи ҳолатлар, шунингдек, туркологиянинг ҳозирги муаммолари тўғрисида билим бериш кўзда тутилади.

Тиллар таснифига кўра бир гуруҳга мансуб туркий тилларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, умумлаштириш ва қиёслаб таҳлил этиш қиёсий—тарихий метод асосида амалга оширилади. Шунга кўра, асос тил, яъни қадимги турк тилидан ажралиб чиққан ва бугунги даврда туркий тиллар гуруҳини ташкил этувчи мустақил, аммо қардош тилларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилади.

Ўзбек филологияси йуналишида таълим олувчи талабалар хозирги туркий тилларнинг тараккиётига хос умумий белгиларни, турли тил сатҳларидаги хусусиятларнинг ўз тилларидаги айни холатларга қай даражада мослигини хамда асосий фаркли кўринишларини ажрата билишлари лозим.Шунга кўра, ҳозирги туркий тилларнинг алифбоси ва имлоси, сўз шакллари ва грамматик категорияларидаги фаркли структур —

www.ziyouz.com kutubxonasi

семантик белгилар, грамматик маънонинг ифодаланиш хусусиятларини пухта ўзлаштириш кўзда тутилади.Ушбу максадда қариндош тиллардаги адабий – бадиий матнларни ўкиш, лисоний тахлил этиш, шунингдек, сўзнинг бошқа туркий тилдаги мукобилини топиш каби амалий машғулотлар ўтказилади.

Ушбу фанни ўқитишда қиёсий–тарихий метод талабларига асосан учта муҳим масалани ҳал этиш зарур.

Булар қуйидагилардир:

1. Туркий тилларни бир–бирига қиёслаб ўрганиш ва шу орқали уларнинг ўзаро қариндошлик муносабатларини аниқлаш.

2. Қариндош туркий тилларнинг бир–бирига қиёсий ўрганиш натижасида уларнинг асосида ётган боботилнинг асосий хусусиятини очиш ва бундай **ретроспектик** қиёслаш орқали туркий тиллар тарихини ҳам ёритиш.

3. Туркий тилларнинг тараққиёт йўлини аниқлаш. Бунда муайян туркий тилнинг ҳозирги кўринишига қандай етиб келганлиги, тил ҳодисаларининг шаклланиши масалаларига эътибор берилади. Бундай **перспектив** қиёслаш орқали қариндош тилларнинг ёзма ёдгорликлардан бошлаб ҳозирги ҳолатигача бўлган тарихи ўрганилади.

Тил фактларини қиёслаш оддий таққослашдан иборат бўлмаслиги учун туркий тилларга хос барча ҳодисалар диахрон планда ўрганилади. Зеро, туркий тилларнинг фонетик ва грамматик хусусиятларини ўзаро қиёслашни тарихий талқинсиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳозирги туркий тилларга хос айрим грамматик ҳолатлар синхрон асосда ҳам ёритилади.Жумладан, туркий тилларнинг фонетик тизимида рўй берган ўзгаришлар, унли ва ундошларнинг мослиги масаласи, товушларнинг талаффузи, ёзилишидаги фаркларни ажрата олиш туфайли у ёки бу тилга оид матнни ўрганиш мумкин бўлади.

Ҳар бир тил қариндош ёки қариндош бўлмаслигидан қатъи назар бошқа тилнинг таъсирига учрамай қолмайди. Кўпгина, хусусан, собиқ шўро ҳукмронлиги таъсирида қолган туркий тилларнинг тараққиётига фақатгина қариндош тиллар эмас, балки рус тили, шунингдек, урал–олтой тилларининг ҳам таъсири сезиларли даражада бўлган. Шунга кўра, муайян туркий тилдаги ҳодисаларни изоҳлашда

www.ziyouz.com kutubxonasi

юқорида айтилган тиллар билан қиёслашга ҳам ўрин берилади. Қиёслаб ўрганиш жараёнида туркий тиллар бошқа урал—олтой тиллари билан бирга ягона система сифатида олинади. Чунки грамматик шакллар генезисини ёритишда бу грамматик ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини ҳисобга олиб, чуқур систем—структур таҳлил амалга оширилиши, уларнинг шаклланиши ва ўзгаришларини аниқ мантиқий фикрлаш орқали исботлаш керак бўлади. Бу эса туркий тилларга хос грамматик шаклларнинг тараққиёти ва умумий тузилиш моделини кўрсатиш имкониятини яратади.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ УМУМИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Туркийшуносликда ҳанузгача узил—кесил ҳал этилмаган бир қанча муаммолар мавжуд. Модомики, прототурк даври тараққиёти қадимги ва ҳозирги туркий тилларнинг типологик бирлиги ҳамда лексик умумийлигининг асоси саналар экан, бу муштараклик белгилари тўла асосланиши лозим. Турлича тузилишда тил белгиларининг ареал тақсимланиши, туркий қабила ва элатларнинг бир хил бирикмаганлиги ёки ажралганлигининг натижаси, уларнинг қардош ёки қардош бўлмаган этник гуруҳлар билан тил белгиларига кўра турлича интеграллашуви оқибати деб қараш мумкин бўлади. Шунинг учун туркий тилларни қиёсий—тарихий аспектда ўрганишда уларнинг ареал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Олтой, мўғул, корейс каби тилларнинг қариндошлиги масаласи мунозаралидир. Айрим олимлар бу тилларнинг генетик жиҳатдан қариндош эмас, балки типологик ўхшаш деган фикрни билдирадилар. Қиёсий—тарихий метод орқали бу ҳодисаларга аниқликлар киритилади.

1. Олтой гипотезаси. Олтой тилларининг генетик қариндошлиги ҳақидаги гипотеза ёки олтой гипотезаси ўтган асрда Р.Раск, В.Шотт ва М.А.Кастренлар томонидан илгари сурилган ва аввал Урал—Олтой, сўнг Олтой вариантларида кенг кўламда тарқалди. Урал—Олтой вариантининг Олтой деб ўзгартирилиши муносабати билан урал тиллари алоҳида оила тарзида ажратилди. Олтой тиллари деб туркий, мўғул,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тунгус—манжур ва айрим мулоҳазалар билан корейс тиллари ажратилди.

Айтилган гуруҳларни бирлаштирувчи белгилар сифатида В.К.Мэмьюс унлилар уйғунлиги, сўз бошида жаранглиларни қўлламаслик тенденцияси сўз охиридаги н ҳарфининг беқарорлиги, сўз боши ва сўз охирида ундош товушлар гуруҳланиб келиши мавжуд эмаслиги, чўзиқ ва иккиланган ундошларнинг йўқлиги ва очиқ бўғинларнинг кўп ишлатилишини кўрсатади.

Е.Д.Поливанов морфологиянинг суффиксал типда эканлиги, урғунинг доимий ўзгармас (аввалги бўғинда) эканлиги, лексик морфемалар типик миқдорий таркибидаги тахминий ўхшашликлар (бир ва икки бўғинли сўзлар), сингармонизм, фонетикадаги ўхшашликларни асос қилиб кўрсатади.

"Дунё тиллари" китобининг(янги нашри) кириш қисмида муаллиф Ж.Дени туркий, мўғул ва тунгус—манжур тилларини тасвирлашда бу уч гуруҳнинг умумий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

—фонетика соҳасида унлилар уйғунлиги, сўз бошида сонорларни ишлатмаслик (айниқса турк тилида), ярим унлиларнинг аҳамиятсизлиги, сўз охиридаги н товушининг беқарорлиги, сўз боши ва сўз охирида ундошларнинг қаторлашиб келмаслиги.

—морфологияда эса грамматик роднинг йўқлиги, фақат икки грамматик соннинг мавжудлиги, ўзакни ўзини ишлатиш имкониятининг мавжудлиги, морфологиянинг агглютинатив—суффиксал характерда эканлиги (префиксларнинг йўқлиги), предлогларнинг йўқлиги(улар ўрнида кўмакчилар ишлатилади) ва ҳоказо.

—синтаксис соҳасида гапдаги сўзлар тартиби (иккинчи даражали бўлакларнинг бош бўлаклардан олдин келиши), боғловчиларнинг деярли йўқлиги ва нисбат олмошлари (относительние местоимение)нинг деярли мавжуд эмаслиги (Ҳинд—Европа тилларидаги эргаш гапларга "квази гаплар" тўғри келади, яъни феълнинг шакллари(ҳаракат номи, равишдош, сифатдош билан) тугайдиган сўзлар гуруҳи мос келади). Ҳар учала гуруҳ учун умумий белги сифатида ўрин—жой келишигидаги "—да", локатив аффикс "—ки"

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни кўрсатиш мумкин. Кишилик олмошларида ҳам ўхшашлик мавжуд.

Юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Олтой гипотезаси ўз кучини сақлаб турди. Компаративистик олтойшуносликнинг кульминацион нуқтаси сифатида икки қиёсий грамматиканинг яратилганлиги катта воқеадир. (Рамстед ва Поппе асарлари). Икки муаллиф ўз қарашлари ва уларгача бўлган материални тўплаб, умуман бу борада қилинган ишлар хулосасини бердилар.

Аммо бу қиёсий грамматикаларнинг пайдо бўлиши билан тадқиқотчиларнинг кўпчилиги томонидан Олтой гипотезаси илмий қимматга эга эмас, деган фикр айтилди, чунки бу асарлар ўхшашликларни топиш ва бобо шаклларни қайта тиклашдаги услублар умуман тўғри эмаслигини ойдинлаштирди.

Сўнгги йилларда компаративистик олтойшунослик билан бир қаторда бошқа йўналиш ҳам ривожланаяпти, у олтой тилларининг тарихий алоқасини назарда тутиб, фақат ўхшашликларни эмас, фарқларни ҳам ҳисобга олади.

Олтой—урал тилларида кўзга ташланадиган асосий типологик белгилар қуйидагичадир:

1. **Фонетик сатҳда**: сингармонизм (унлилар уйғунлиги)нинг мавжудлиги, ундош товушларнинг ассимиляцияга учраши қонуниятининг амал қилиши, сўз ўзагида жарангли ундошнинг қатъийлиги, сўз бошида битта ундош товушнинг келиши, семантик дифференцияга учраган сўзларда сингармоник параллелизм учраши мумкинлиги, сўз бирикмасидаги кесим сўзга бош урғунинг тушиши кабилар.

2. **Морфологик сатҳда**: сўз... ва сўз ўзгаришида қўшимчалар аглютинацияга йўл қўйилишининг устунлиги ва баъзан ўзак морфеманинг фузияга йўл қўйиши, олд қўшимчалар вазифасида кўмакчиларнинг қўлланиши, артикларнинг учрамаслиги, грамматик род категориясининг мавжуд эмаслиги, эгалик категориясининг борлиги, чиқиш келишигидаги конструкциясида қиёслаш маъносининг ифодаланиши, бирлик ва кўплик сонларда сўз ўзгартирувчи қўшимчаларининг нисбатан кўплиги, бош келишик вазифасининг кўплиги кабилар.

3. **Синтактик сатҳда**: сон билан ифодаланган аниқловчиларда сонда мослашувнинг учрамаслиги, сўроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодалашда юкламаларнинг қатнашиши, эргаш гаплар ўрнида сифатдош ва равишдош оборотларининг кенг ишлатилиши, тушум келишигида ифодаланган объектнинг мантиқий урғуга тортилиши, гап бўлаклари тартибининг нисбатан қатъийлиги, аниқловчи вазифасида келувчи сифат, сон ва олмошларнинг аниқлашишга мувофиқ ҳолда ўзгармаслиги ва бошқалар.

4. **Лексик сатҳда**: Туркий тиллар луғат таркибида умумий қатламнинг мавжудлиги,бир бўғинли сўзларда муштараклик яккол намоён бўлиши,сиёсий - ижтимоий муҳит таъсирида ҳукмрон тил лексикасининг ўзлашганлиги ва б. Олтой ва туркий тилларининг айрим гуруҳларидаги лексик фарқлар бу тилнинг кейинги тараққиёти натижаси ҳисобланади. Олтой тиллари луғавий бойлигида турк, мўғул ва тунгус—маньжур тиллари учун умумий сўзлар учрайди. Туркий тилларнинг шарқий тармоғида хитой, санскрит, форс—араб лексикаси ва фин тили элементларининг учраши туркий тиллар лингвистик харитаси кенглигининг нишонасидир. Туркий тиллар тараққиётининг мўғул даврида Сибирь ва Марказий Осиё тилларида мўғулча сўзларнинг ўзлаштирилганлиги олтой тиллари орасидаги тилларнинг луғат таркибини бойитишга хизмат қилган.

ХУ асргача бўлган муштарак туркий адабий – бадиий матнлар тилини чуқур ўрганиш натижасида туркий тилларнинг умумтипологик хусусиятларини аниқ белгилаш, кейинги тил тараққиётидаги ўзгаришлар билан солиштириш, ҳозирги туркий тилларнинг турли сатҳларида рўй берган фарқли белгиларнинг сабабларини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳозирги туркий тилларни қиёсий аспектда ўрганиш, уларнинг турли тил сатҳларидаги мослиги даражасини белгилаш, замонавий ёндошувлар ва тадқиқ методлари асосидаги назарий маълумотларни бойитиш, қариндош тилларнинг турли соҳалардаги қиёсий луғатларини яратиш тақозо этилмоқдаги, буларнинг барчаси туркийшунослик олдида турган масалаларни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Олтой гипотезасини таърифланг ва бу қарашга ўз муносабатингизни билдиринг.
2.Ж.Дени уч гуруҳи тилларга хос қандай умумий белгиларни кўрсатган?
3.Олтой—урал тилларининг асосий типологик белгиларини тавсифланг.
4.Туркий тиллар товуш тизимига хос муштарак хусусиятларни мисоллар билан изоҳланг.
5.Умумтуркий сўз—ўзакларга мисоллар ёзинг, бир бўғинли муштарак ўзакларни ажратиб икки туркий тил мисолида парадигмасини кўрсатинг.
6.Туркий тилларда гап тузилмасига хос умумий белгиларни тавсифланг ва ўзингиз билган икки туркий тил мисолида қиёсланг.

АДАБИЁТЛАР:

1.Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М.Высшая школа. 1969.
2.Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. М.Наука. 1962.
3.Tekin Talat. Tirk Dilleri. -Ankara, 1988
4.И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.— Т.1984.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ МАСАЛАСИ

"Турк" атамасининг келиб чиқиши ва маъноси хусусида А.Ремюза, И.Бичурина, Н.А.Аристова, А.Вамбери, Ю.Немет, А.Н.Бернштам, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков каби олимларнинг фикрлари мавжуд. Ёзма манбаларда турк этноними эрамизнинг VI асрларидан бошлаб тилга олинади.Вильгелм Томьсон ва В.В.Бартольдлар бу сўз айрим уруғ ё қабиланинг номи бўлмаган, балки қабилалар уюшмасини ифодалаган ва кейинчалик халқ номи—этнонимга айланганлигини ёзишган. У "уюшган, бирлашган, кучли, қудратли" маъносини билдириши таъкидланади.

Эрамизнинг IV—V асрларида Мўғулистон ва Марказий Осиё ҳудудида туркий қабилаларнинг кучайиши, Шарқий ва Ғарбий турк империяларининг юришлари, X асрда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатларининг мустаҳкамланиши, сўнг салжуқийлар ҳукмронлиги даврида Кичик Осиё ва Кавказортида туркий қабилаларнинг ўртоқлашувини таъминлади. Ўрта Осиёда туркийлашув айниқса VIII—XIII асрларда анча кучайди. Узоқ Шарқдан Шарқий Оврупа ҳудудларига қадар тарқалган туркий тилли халқлар сони ҳозирда 250 миллионга яқиндир. Туркий тиллар мўғул ва тунгус—манчжур тиллари биргаликда катта тил гуруҳига, яъни олтой тиллари оиласига киради. Ўрхун, қадимги уйғур, булғор, хазар, қипчоқ (половец) тиллари ўлик туркий тил саналади.

Швед олими П. фон Страленберг Сибир ўлкасидаги халқларни татарлар деб номлаб, 1730 – йилда ёзган китобида Урал -- Олтой тилларини қуйидаги олти гуруҳга ажратади:

1.Фин – уйғурлар: болгарлар, финлар, вогуллар, геремислар, пермияклар, вотяклар, астяклар.

2.Турк – татарлар : татарлар, ёқутлар, чувашлар.

3.Самойидлар.

4.Мўғуллар ва манжурлар: қалмиқлар, манжурлар, тангутлар.

5.Тунгузлар : тунгузлар, аринлар, коряклар, куриллар.

6. Қора денгиз билан Хазар (Каспий) денгизи орасида ерлашган халқлар.

Юз йиллардан кейин финландиялик М.А.Кастрен қилган таснифда (1.Фин- угор, 2.Самойид, 3. Турк- татар, 4. Мўғул, 5. Тунгузча ва унинг шевалари) гарчи туркий тилларнинг Урал - Олтой тиллари билан қариндошлиги масаласига тўхталмаган бўлса ҳам, В. Шотта биринчи марта бу масалага ойдинлик киритди.Унинг таснифида Олтой тиллари уч гуруҳ (туркча, муғулча ва манжур – тунгуз тиллари)га ажратилиб, чуваш тилининг туркий тил эканлигини биринчи бўлиб таъкидланади.

Ҳозирги туркий тилларни эса ҳудудий тарқалишига кўра бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.Сибирдаги туркий тилларга ёқут, карагас (тофа), карамзин, тува, телеут, хакас, шор, олтой тиллари киради. Бу ҳудудда ўтмишда ўрхун—энасой ёдномалар яратилган ва қадимги уйғур тили кенг амал қилган.

2. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тилларга ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тиллари киради. Бу тиллар бугунги кунда мустақил давлатларнинг расмий тили ва ривожланган адабий тил ҳисобланади. Қадимги бу ҳудудда

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоразмий тили, салжуқ тили, ўғиз шеваси, турк тили, эски ўзбек тили ва форс—эроний тилларда ёднома ва бадиий юксак асарлар яратилган.

3. Кавказдаги туркий тилларга озарбайжон, қумуқ, қорачай—малқар, ноғай, қрим—татар тиллари киради.

4. Волга бўйи туркий тилларига татар, бошқирд, чуваш, гагауз (Украина) тиллари киради.

5. Литва, Украина, Қримда қараим, булғор, хазар тилларида сўзловчи туркий халқ вакиллари яшайди.

6. Хитой (Син—Цзян, Танасу) да уйғур тили кенг тарқалган. Бу ҳудудда уйғур, сариқ уйғур, салар халқлари яшайди.

7. Туркияда турк тили расмий давлат тили бўлиб, бу ерда 70 млн.га яқин халқ турк тилида сўзлашади.

Туркий тилда сўзловчи 50 млн.га яқин халқ Эрон, Афғонистон. Ғарбий Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Югославия, Македония, Олмония, Болгария ҳудудларида истиқомат қилишади.

Туркий тилларни генетик жиҳатдан, тил хусусиятларига кўра ўзаро муносабати масаласи қадимги даврлардан буён ўрганилмоқда. Туркий тилларни таснифлашни бошлаб берган олим М.Қошғарийдир. Унинг таснифи қуйидаги икки тамойилга асосланган:

1. Тилнинг софлиги тамойили

2. Фонетик—морфологик тамойили.

Фонетик—морфологик тамойилга асосан М.Қошғарий XI асрда яшаган туркий халқларнинг тилларини икки гуруҳга ажратган:

А) Шарқий турклар (ҳоқоний турклари) тили;

В) Ғарбий турклар тили.

Биринчи гуруҳга Баласағун, Қашқар атрофидаги халқларнинг тиллари, яъни чигил, қорлуқ, уйғур, тухси, ягмо каби элат ва қабила тиллари киритилади.

Иккинчи гуруҳга эса ўғуз, арғу, қипчоқ, татар, сувор, ямак каби элат ва қабилаларнинг тиллари киритилган. М.Қошғарий қиёслаш, солиштириш асосида шарқий ва ғарбий тилларнинг фонетик ва морфологик фарқларини кўрсатиб берган.

Туркий тиллар таснифи билан қизиқиш XIX аср охири ва XX аср бошида кучайди ва мақсадига кўра бир—биридан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ажралиб турувчи кўплаб таснифлар яратилди. Туркий тилларни таснифлашнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Булардан бири туркий тилларининг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан яқинлигидан келиб чиқса, иккинчи муайян бир туркий халқнинг шаклланишида турли хил қабилаларнинг иштирок этганлиги ва бир қабиланинг бир вақтнинг ўзида бир неча туркий халқларнинг таркиб топишида қатнашганлигига асосланади. Таниқли олимлар В.А.Богородицкий, В.В.Радлов, Ф.Е.Корш, А.Н.Самойлович, С.Е.Малов, Н.А.Баскаков таснифлари нисбатан пухталиги билан ажралиб туради.

Ушбу олимлар томонидан амалга оширилган таснифларни асосий хусусиятига кўра тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Фонетик белгиларга асосланган таснифлаш
(В.В.Радлов, С.Е.Малов, таснифлари).
2. Фонетик – морфологик белгиларга асосланган таснифлаш
(Ф.Е.Корш, А.Н.Самойлович, А.Ремюза таснифлари).
3. Тил хусусиятлари ва ўзаро генетик алоқаларига асосланган таснифлаш
(О.Бётлинг, К.Менгес, Н.А.Баскаков таснифлари)
4. Туркий тилларда гаплашувчи халқларнинг жўғрофий жойлашувига асосланган таснифлаш
(А.Мюльер, В.А Богородицкий таснифлари).

Ушбу таснифлар орасида Н.А.Баскаковнинг туркий тилларнинг ҳам тил хусусиятларини, ҳам генетик қариндошлигини ҳисобга олган ҳолда тузган таснифи ҳозирги туркологлар томонидан эътироф этилган.

Н.А.Баскаков туркий тилларни иккита катта гуруҳга (тармоққа) ажратади:

1. Туркий тилларнинг ғарбий хун тармоғи.
2. Туркий тилларнинг шарқий хун тармоғи.

Олим ғарбий хун тармоғига булғор, ўғуз, қипчоқ, қарлуқ тиллари гуруҳларини киритади ва бу гуруҳларни бир неча кичик гуруҳларга ажратиб, уларнинг қадимий ва ҳозирги номларини санаб ўтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарқий хун тармоғига эса уйғур, қирғиз—қипчоқ тиллари гуруҳи ва уларнинг кичик гуруҳчалари, қадимий ва ҳозирги тилларни кўрсатиб ўтади.

Н.А.Баскаков таснифида ҳар бир гуруҳга хос тилнинг хусусияти уч жиҳатдан: фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан тавсифлангандир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тилларнинг тарқалиш ҳудудларини тасвирланг.

2.Ўлик ва жонли туркий тилларга қайси тиллар киради?

3.Маҳмуд Қошғарий туркий тилларни қандай таснифлаган?

4.Рус тилшунослари туркий тиллар таснифлашда қайси белгиларига асосланишган?

5.Н.А .Баскаков таснифини шарҳлаб беринг.

6.Туркий тилларни таснифлашнинг қандай ўзига хос қийинчиликлари мавжуд?

АДАБИЁТЛАР:

1. Баскаков Н.А Алтайская семья языков и ее изучение. М.Наука. 1981.

2. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М.Высшая школа. 1969.

3. Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков М.Наука. 1962.

4. Зарубежная тюркология. Вып 1. Древние тюркские языки и литературы. М. Наука. 1986.

5. Шайгулов А.Г. Введение в изучение алтайский языков. Уфа.1984.

6. Языки народов СССР. Т.2. Тюркские языки. М.Наука. 1966.

7. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.— Т.1984.

8. Б.Ўринбоев. Туркий филологияга кириш.—Самарқанд.1989.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ–ТАРИХИЙ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

Туркий тилларнинг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг ўзаро муносабати, бир–бирига таъсири масалалари туркий филологиянинг асосий тадқиқ объекти саналади. М. Қошғарий машҳур "Девони луғот–ит турк" асаридаёқ туркий тилларни таққослаш усулидан унумли фойдаланган эди. Бу мавзу орқали туркий филологиянинг ўрганилиши масаласи эмас, балки туркий тилларни диахрон ва синхрон планда қиёсий ўрганишга оид тадқиқотлар мазмунига эътибор қаратилади. Бундай тадқиқотлар мундарижасини уч қисмга бўлиб ўрганиш мақсадига мувофиқдир. Биринчиси, XX аср бошларигача бажарилган илмий ишлар, иккинчиси, ҳозирги даврда қилинган ишлар ва учинчиси, чет эл олимлари томонидан бажарилган тадқиқотлар.

1. М.А.Казимбек "Турк–татар тилларининг умумий грамматикаси" (Қозон, 1846) китобида биринчи марта илмий асосда турк грамматикаси татар, озарбайжон, мўғул ва бошқа туркий тилларнинг материаллари билан қиёслаб ўрганилади. Бу асар усмонли турк тилининг рус тилидаги биринчи нашри саналади. О.Н.Бётлинкнинг "Ёқутларнинг тили ҳақида" (С.–Петербург, 1851) асари олтой тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича яратилган биринчи тадқиқот бўлиб, унда ёқут тили хусусиятлари турк, мўғул, тунгус–манжур тиллари билан солиштириб ўрганилади. Олим флектив тиллар билан аглютинатив тилларнинг ички хусусиятларини очиш орқали таснифлашга катта эътибор беради. Н.И.Ильминскийнинг "Олтой тили грамматикаси" (1869), В.В.Радловнинг туркий тилларнинг морфологик жиҳатдан қиёслашга бағишланган тадқиқотлари ҳам қиёсий туркологияга катта ҳисса бўлиб қўшилди. П.М.Мелоранскийнинг "Туркий тилларнинг қиёсий грамматикасини яратиш" номли дастури ўзига хослиги билан муҳим аҳамиятга эга. Унинг қозоқ–қирғиз тили грамматикасига, филолог арабларнинг туркий тиллар ҳақидаги қарашларига бағишланган ишлари туркологик тадқиқотларни кенг миқёсида ўрганишга даъват этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. Н. Самойловичнинг туркий тилларнинг қиёсий—тарихий тадқиқига оид асарлари туркий тиллар тавсифини рус ва Ҳинд—европа тиллари қолипига солиб текширишга қарши яратилган ўзига хос илмий тадқиқот саналади.

Ўрта Осиёда яшаб ижод этган кўплаб қомусий билим эгалари ҳам ўз асарлари, луғатлари орқали туркий тилларни қиёсий—тарихий ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшдилар. М.Қошғарий, М.Замахшарий, Абу Ҳайён, Жамолиддин ибн Муханна, Жамолиддин ат—Туркий, А.Навоий, М.Мехдихон, Сулаймон Бухорийнинг мероси бунинг исботидир.

2. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида туркий тилларнинг қиёсий—тарихий тадқиқи ҳам марказда ва маҳаллий ўлкаларда олиб борилди. В.А. Гордеевский, С.Малов, В.А.Богородицкий, Н.К.Дмитриев, Э.Севортяннинг компаративистик илмий ишлари эътиборга молик тадқиқотлар саналади. 50—йиллардан кейин А.К.Боровков, А.Н.Кононов,Н.А.Баскаков,,Н.К.Дмитриев, Э.Р.Тенишев, А.М.Шчербак, Н.С.Гаджиева, Б.А.Серебренников, Д.Насилов, Г.Ф.Благова, К.М.Мусаев, А.А.Юлдашев, И.В.Кормушин, М.Закиев, И.Қўчқортоев, А.Каримуллин каби олимларнинг ишлари туркий филологияда қиёсий—тарихий тадқиқотлар йўналишини мустаҳкамлади.

1966 йилда беш томлик "СССР халқлари тиллари" асарининг 2—жилди "Туркий тиллар" номи билан чоп этилгани бу тиллар қурилишини ўрганишда муҳим қадам бўлди. Олимлар жамоаси томонидан 1985 йилда кўп жилдли "Туркий тилларнинг қиёсий—тарихий грамматикаси" асарининг 1—жилди "Фонетика" қисми сифатида, 1988 йилда ушбу кўп жилдликнинг «Морфология» қисми «Наука» нашриётида чоп этилди.Бу монографик тадқиқотларнинг босилиб чиққанлиги туркийшуносликда муҳим аҳамият касб этди.

3. Чет эл олимларининг ишларида ҳам туркий тилларни қиёсий—тарихий аснода ўрганиш муҳим ўрин тутади. Бу йўналишда тадқиқотлар XIX асрнинг ўрталарида туркий халқлар тилларини ўрганиш, тадқиқ этиш кучайганлиги туфайли кўпайди. В.Шоттанинг немис тилида чоп этилган "Чуваш тили ҳақида" (Берлин, 1842) "Олтой ёки фин—татар тиллари тарихи тўғрисида" (Берлин, 1849) каби ишларида кўпгина туркий тилдаги материаллар тили қиёсий таҳлилга

www.ziyouz.com kutubxonasi

жалб қилинди. В.В.Радловнинг илмий ишлари таъсирида Оврупада туркий тилларни қиёсий – тарихий ўрганиш анча кучайди. Й.Грунцелнинг "Олтой тиллари қиёсий грамматикаси" очерки (қиёсий луғати билан) (Лейпциг, 1895), В.Бангнинг "Туркий тилларнинг қиёсий грамматикасидан тадқиқотлар" (Берлин, 1916 – 1917) каби йирик ишлар вужудга келди. Француз тилида Ж.Денининг "Турк тили грамматикаси" (Париж, 1921), К.Грёнбекнинг "Туркий тиллар қурилиши" (Копенгаген), А.Эмронинг "Туркий тиллар структураси" (Истамбул, 1942) каби юзлаб тадқиқотлар юзага чиқди.

Ўзбекистон Республикаси қаторида кўпгина туркий тилли жумҳуриятларнинг мустақил давлатга айланиши туркий филология тадқиқотлари марказининг Туркияга кўчишига замин яратди.Туркия Дил Қуруминнинг ташаббуси билан 1992 йилдан бери ҳар тўрт йилда туркий тилларнинг тараққиётига бағишланган халқаро сипозиумлар ўтказилмоқда.

Анқарада туркий тилли республикаларнинг турколог олимлари иштирокида 1992 – 93 йилларда 2 жилдли "Туркий тиллар сўзлиги" яратилди. 1994 йилдан бошлаб 16 туркий тилнинг фонетик, лексик – грамматик хусусиятларини қиёсий жиҳатдан ифодаловчи "Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси" номли кўп жилдли асарни яратишга киришилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тилларни қиёсий – тарихий жиҳатдан ўрганиш қачон бошланди?

2.Ўрта Осиёда туркий тилларни қиёсий ўрганишга ҳисса қўшган олимларнинг ишлаарини шарҳлаб беринг.

3.XУ111 – Х1Х асрлардаги асосий туркологик нашрларни шарҳланг.

4.XX асрда туркий тилларнинг ўрганилишидаги муҳим йўналишларни кўрсатинг.

5.Чет эл олимларининг туркологик тадқиқотлари ҳақида нималарни биласиз?

6.Марказий Осиёдаги ҳозирги туркологик тадқиқотлар ҳақида сўзлаб беринг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Программа курса "Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков", – Уфа, 1987.
2. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш. – Т.1984.
3. Б.Ўринбоев. Туркий филологияга кириш. – Самарқанд.1989.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА УНЛИ ТОВУШЛАР ТИЗИМИ

Барча тилларда бўлганидек, туркий тилларда ҳам унли товушлар оппозицияси мавжудлиги хусусида, уларни миқдор ва сифат кўрсаттичлари турличалиги ҳақида А.М.Шчербак, Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, А.Рустамов каби олимлар томонидан фарқли фикрлар билдирилган. Агар Ўрхун – Энасой ёдномаларида учрайдиган 41 ёзув белгисидан атиги 4 таси унли товушларни ифодалаганлигини назарда тутсак, кейинги тарихий тараққиёти даврида туркий тилларнинг унлилар тизими анча кенгайганлигини кўриш мумкин. Баъзи туркий тилларда унлилар миқдори 20 тадан ортса (масалан, тува, татар, гагауз тилларида), асосан бошқа туркий тилларда 8 – 9 тадир.

Туркий тиллар товуш тизимидаги унлилар тавсифи қуйидаги масалаларга аниқлаш киритишни тақозо этади:

- унли товушларнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра оппозицияси;
- унли товушларнинг узун – қисқалиги кўра оппозицияси;
- сингармонизм ҳодисасининг кўриниши ва ҳолати;
- боботурк тили даврида унлиларнинг хусусиятлари ва дифтонгларнинг кўринишлари;
- туркий тилларда унлилар таснифи масаласи;
- ҳозирги туркий тилларда унлилар мослиги ва фарқлари.

Прототурк даври унли товушлари таркиби хусусида кўпгина олимлар узун ва қисқалигига кўра 8та унли бўлганлиги ҳақида гапирдилар. Буларни аниқ айтилиши даражасига кўра қуйидагича кўрсатиш мумкин:
қисқа унлилар: а – а:, ў – о:, у – у:, ў – ъ
узун унлилар: а: – э, о: – о, у: – у, и: – и

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёпиқ «е» унлисининг қадимги туркий тилда бўлмаганлигини кўпчилик таъкидлайди. Аслида бу фонеманинг фонологик вазифаси бўлмаган. Фонологик жиҳатдан бир вақтнинг ўзида » е» ва «и» унлиларига зид келмайди.

Таъкидлаш лозимки, туркий тилларда сўзнинг биринчи бўғинидаги вокализм иккинчи бўғинидагига нисбатан бойдир. Қадимги туркий тилдаги қўшимчаларларда **а, э, ь, и** фонемалари учрайди. Лаб унлиси сифатида **у:** ва **у** вариантлари кейинроқ пайдо бўлган.

Прототурк вокализмининг яна бир муҳим хусусияти шуки, кўпчилик тилларда узун унлилар йўқолиб кеган. Узун унлилар ёқут, туркман, халаж тилларида сақланиб қолган.

Қисқа унлилар ҳам кўпгина туркий тилларда ўзгаришларга учраган. Икки бўғинли сўзларда қисқа унлилар барқарор бўлмаган, олдинги товушлар ассимиляция таъсирига учраган. Айрим унли товушлардаги ўзгаришларга тўхталамиз:

1. **Қисқа а**. Бу унли қадимги турк тилида ҳам бўлган, ҳозирча кўпчилик туркий тилларнинг биринчи бўғинида сақланиб қолган. Бу унлининг лабланган, тил орқа унлисига ўтиши татар ва бошқирд тилларида учрайди (а>а^{0})
қара (қад. турк), **қа^{0}ра** (татар), **қа^{0}ра** (бошқирд).

а>у ҳолати чуваш адабий тилида мавжуд.

баш (турк) – ***пус*** (чуваш).

Лабланган **а** товушининг, кенг **о** га ўтиши ўзбек тилига хос, аммо бу бўғин учун доимий ҳолат эмас.

Баъзи туркий тилларда **а>ў** га ўтиши ҳам учрайди:

тап>тың, j аз–с' ыр (чуваш),
(ёзмоқ), ***j ам> сыт*** (ёқут) (ётмоқ).

Бунинг сабабларидан бири урғусиз биринчи бўғинда бу товушнинг беқарор позицияси, шунингдек, аффиксал **а; ў** амлаути бўлишидир.

Қирғиз, олтой, ёқут тилларида лаб гармонияси таъсирида охирги бўғинидаги **а> о** ўтиши ҳам кузатилади: **ўрта–орто**.

Хуллас, унлиларнинг лаб гармонияси бўлган тилларда қисқа **а** унлисининг нисбатан барқарорлиги намоён бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Узун а туркий тилларда барча узун товушлар каби барқарор эмаслиги билан ажралиб туради. Асосан, бу товуш туркман ва ёқут тилларида, шунингдек, айрим туркий шеваларда учрайди.

қа:н>турк. ***га:н,*** ёқут ***ха:н***.

Қадимий туркий тилидаги бу товуш туркий тиллардан ўзлашган венгер тилидаги сўзларда ҳам бор:

венгер ***sa: r*** ва туркман ***са:з*** (балчиқ).

Туркий тилларда дифтонг ҳолатининг учраши бу товушнинг қадимдан мавжудлигини кўрсатади:

ёқутча ***тўа*** (тайга) < ***та***: (тоғ), тофа тилида ***aj ш*** ва турк ***а:г*** (оч).

Айрим туркий тилларда иккиламчи чўзиқликнинг пайдо бўлиши баъзи товуш гуруҳларининг қисқариши натижасидир:

ағьр>а:р (шор, тува, хакас) ***ағьз>а:з*** (тува).

Узун **а** товушининг ***а (а: > а)*** ўтиши кейинги тараққиёт давомида деярли барча туркий тилларга ёйилди. Бунинг асосий сабаби товушнинг айтилишида физиологик сарф — ҳаракатнинг камайтирилганлигидир.

Қисқа ва узунлиги билан ажралиб турувчи унли товушлардаги ўзгаришларни шу тарзда таҳлил этиш, улардаги ўзгаришларни кўрсатиш муайян унлининг ҳозирги ҳолатини,эволюциясини кўрсатишга хизмат қилади.

Мўғул тилида ҳам чўзиқ ва қисқа унлилар оппозиция ҳосил қилади: ***ўр*** (оила) — ***ўўр*** (уя), ***цас*** (қор), ***цаас*** (қоғоз).

Туркий тилларни ўрганишда унлилар уйғунлиги масаласи муҳим ўрин тутади. Бу хусусият боботил даврида ҳам яққол намоён бўлган. Сингармонизм ҳодисаси туфайли унлилар олд ва орқа қатор унлилари тарзида фарқланадиган бўлди. Бу ҳодиса олдинги бўғин (ўзак)даги унлига кейинги бўғин (ёки бўғинликлардаги) унлиларнинг, баъзан ундошларнинг артикуляция ўрни ва усулига нисбатан мослашувидир.

А.М.Шчербак бир бўғинли сўзлардаги унли сифат жиҳатидан доимий ва мустақил бўлиб, кўп бўғинли сўзлардаги кейинги унлилар эса биринчи бўғинга мувофиқлашувини таъкидлаган. Палатал (танглай) сингармонизми кўриниши қадимий бўлиб, унда бошқа унлилар биринчи бўғинга қараб мослашади. (***та:ғларда***).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Танглай сингармонизми кўп бўғинли сўзларнинг кейинги бўғинларида ўз кучини йўқотиши мумкин (туркман: ***білмайдиран***, туркча – ***уор***, – ***даш***, чувашча – ***сам*** қўшимчалари).

Ҳозирги айрим турк тилларида лаб сингармонизми ҳам учрайди. Бунда биринчи бўғинда лабланган унлининг борлиги туфайли кейингиларида ҳам лабланган унли келади: (қирғиз ***колдор***, туркча ***қолу***.) Бу ҳолат ўғуз ва қипчоқ шеваларида кенг тарқалган.

Унлилар тизими жиҳатидан чуваш тили ўз фонетикаси билан ажралиб туради. Қадимги даврдан бошлаб сингармонизм чуваш тилида учрамайди. (***інезем*** (сигир); ***іс'*** сем (иш)). Баъзан тор унлиларнинг кенгайиши уйғунликнинг *бузилишига олиб келганлиги кўринади.* Масалан,Н.К. Дмитриев, қипчоқча **о** ва **у** товушлари орқа артикуляцияга эгалигини таъкидлайди.

Туркий тилларда сингармонизм вариантлари ҳам кенг учрайди. Бунда ҳатто бир туркий тил доирасида ҳам унлилар *бир хил бўлолмаслиги, яъни айни бир сўзнинг биринчи* бўғини бир туркий тилда ёки шевада олд қатор унлиси, бошқасида орқа қатор унлиси сифатида кела олиши назарда тутилади. Масалан, озарча: ***окуз–окуз***, уйғур: ***алп–алп***, қозоқ: ***шай–шай*** кабилар.

Ҳозирги ўзбек тилида товуш уйғунлиги йўқолган. IX асрдан сўнг ўзбек тилида бу ҳодисанинг бузилиши сезилади. Бу ҳодисанинг йўқолишида эроний тиллар ва араб тилининг таъсири катта бўлганлиги таъкидланади.

Туркий тиллар орасида ***унлилар мослиги*** кенг ҳодиса саналади. Масалан, ўзбекча **э** товуши татарча **и** га (***кел–кил***), озарбайжонча **а** га мос (***кел–гал***). Чувашча **у** унлиси бошқа туркий тилидаги **а** га мос келади (***алти–улт, бар–пур*** (бор)) каби.

Бошқирд тилида 9 та унли бор. Булардан **і** унлисининг 2 варианти, яъни нормал ва қисқа кўринишлари бор.

Туркия туркчадан фарқли ҳолда **о** унлиси **о–и–і** ўртасида тор ва қисқа айтила олади. Бошқирд тилида **о** ўрнида **и**, **и** ўринда **о** товуши келади: ***оп–ип, goz–гиг, kus–ko:s*** каби. Сўз бошида **е>і** га ўтади: ***ел>ил, екмек–ikmak***.

Қозоқ тилидаги 9 та унлидан биттаси, яъни очиқ **е** товуши кўпгина туркий тилларда учрамайди. Биринчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўғиндаги сўзларда **o, o:, и, и:** унлиларидан сўнг келган **I, i** унлиси **и, и** тарзида ўқилади: ***kordi—kordu, uzim—uzum*** каби ёки биринчи бўғиндаги **а** ва **е** унлилари **о** ва **о'** тарзида айтилади.

Туркман тилидаги 9 та унлидан **е, а** унлилари анча фарқланади. Бу 9 унлининг ҳар бирининг узун варианти борлиги муҳимдир. Бу ҳодиса сўз маъносининг фарқланишига олиб келган: **ot** (от) — **ot** (олов), **du,s** (тушмоқ) — **du:s** (туш, ҳаёл).

Шунга ўхшаш ҳолат бошқа туркий тилларда ҳам учраши унлилар тизимида муайян ўхшашлик ва фарқликлар борлигини кўрсатади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тиллар вокализмига бағишланган асосий илмий нашрларни шарҳланг.

2.Прототурк даври унли товушларини тавсифланг.

3.Қадимги тилга хос узун унлилар қайси туркий тилларда сақланиб қолган?

4.Қисқа ва узун «а» унлисига хос хусусиятларни мисоллар билан фарқлаб кўрсатинг.

5.Унлилар уйғунлиги туркий тилларда қай тарзда намоён бўлади?

6.Лаб сингармонизми қайси туркий тилларда учрайди?

7.Ҳозирги туркий тиллардаги унлилар ўртасидаги фарқни икки — уч қардош тиллар мисолида тушунтиринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. — Л, 1970.

2. Решетов В.В. Узбекский язык. Ч.1. Фонетика — Т, 1959.

3. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка — М, Л, 1956.

4. Серебренников Б.А. Гаджиева Н.З. Сравнительно — историческая грамматика тюркских языков — М. Наука, 1986.

5. Абдураҳмонов Ғ.А. Рустамов А. Қадимги туркий тил. — Т. Ўқитувчи, 1984.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.— Т.Ўқитувчи. 1984.
7. Рустамов А. XV аср ўзбек адабий тилининг вокализми|| Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 6—сон.
8. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси.— Т.Ўқитувчи.1990.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ УНДОШЛАР ТИЗИМИ

Туркий тилларнинг ундошлари, уларнинг хусусиятларини эксперимантал ва тасвирий, шунингдек, қиёсий методлар асосида ўрганиш натижасида йирик тадқиқотлар яратилди.

В.А.Богородицкий, Е.Д. Поливанов, В.В. Решетов, А.М. Шчербак, А.Маҳмудов, И.Батманов каби олимларнинг ишлари бу соҳада зътиборлидир.

Туркий тилларнинг ундош товушлари миқдорида катта фарқ кўзга ташланмаса—да, сифат жиҳатдан жиддий тафовутлар мавжуд. Туркий тиллар фонетикасига оид ишларида ундошлар миқдори 20—30 та орасида қайд этилади. Ундошларнинг ҳар бир туркий тилда ўзига хос хусусиятлари бўлиши билан бирга, ўзаро ўхшаш, муштарак жиҳатлари ҳам анчадир. Бу ҳодисаларни ундошларнинг боботил давридан ҳозирги ҳолатига бўлган тараққиёт босқичларини ўрганиш орқали равшан кузатиш мумкин.

Боботил давридаги консононтларнинг фарқли белгиларидан бири шу эдики, унда кўпгина ундошларнинг дистрибуцияси чекланган эди. Фақат **к,қ,п,т,с,ч** ундошлари сўзнинг исталган позициясида қўллана оларди. Сонор товушлар, шунингдек, **р,з,г,д** ҳеч қачон сўз бошида қўлланмаган. Туркий тилларда бўлмаган ундошлар эса сўз бошида ҳам, охирида ҳам келади. Бу хусусият туркий тилларнинг қадимги даврида кучли бўлган. Таъкидланишича, туркий тиллар тараққиётида жарангли ундошларнинг сўз бошида ишлатилиши жуда кам учрайди. Ҳозирги туркий тилларда фонетик ўзгаришлар туфайли ундошлар билан бошқарувчи сўзлар пайдо бўлган. Ундошлар хусусиятига кўра туркий тилларда иккита гуруҳ яққол ажралиб туради. **1—гуруҳга** сўз бошида жарангли ундошлар келишига йўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўювчи тиллар, яъни ўғуз тиллари киради. **2–гуруҳга** қипчоқ тиллари киради, буларда ҳам ундошларнинг жаранглашуви учрайди, аммо асосий белгиси сўз бошида жарангсиз ундошларнинг келишидир. Б.А.Серебренников ва Н.З. Гаджиеваларнинг фикрича, туркий тиллар (боботил даврида) сўз бошида жаранглилашув ҳодиса бўлмаган, чунки **м,р,л,н** сонорлари, шунингдек, **з,ғ,д,ж** жаранглилари сўз бошида келмаган.

Айтиш жоизки, сўз бошида жарангсиз ундошларнинг жаранглилашуви туркий тилларнинг ҳаммасида бир хил бўлмаган, баъзиларида тор, бошқаларида кенг тарқалган. Ўғуз гуруҳига кирувчи туркман, турк, озарбайжон тилларида бошқа туркий тиллардаги **к,п,т** каби жарангсизлар ўрнида **г,б,м,д** жарангли ундошлари келади: ***кел–гел, кўр–гўр, тоғ–дағ*** каби. Сўз бошида жарангсиз ундошларнинг кўпроқ сақланиши Сибирдаги туркий тилларда ва чуваш тилига хос ҳодисадир.

Туркий тиллар консонантларига хос яна бир фонетик хусусият сўз ўртасидаги жарангсиз ундошларнинг интервокал позицияда жаранглашувидир. Бу хусусиятига кўра ҳам туркий тилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга кирувчи хакас, тува, қозоқ, татар тилларида бир бўғинли ўзакларга унли билан бошланувчи аффикс қўшилганда ўзак охиридаги жарангсиз ундош жаранглилашади: ***ат–ады*** (хакас), ***ас–азьш*** (осиб–тува), ***шьк–шьғиб*** (қозоқ) каби.

Иккинчи гуруҳ тилларда бир бўғинли ўзакларда ҳар қандай ҳолатда ҳам жарангсиз ундош сақланиб қолади. Фақат кўп бўғинли сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда жаранглилашув содир бўлади, бошқа ҳолларда эса жарангсизлигича қолади: ***аяқ–айығим*** (уйғур), ***билак–билаги*** (ўзбек), ***ўйноқи, кўникиб, қишлоқи*** кабиларда ўзгаришсиз қолади.

Баъзи жарангли ундошлар (б,д каби)нинг сўз охирида келиши туркий тилларда жуда кам учрайди, шунинг учун бу тилларга (масалан, ўзбек, қозоқ, уйғур) бошқа тиллардан (хусусан, араб, форс–тожик) жарангли билан тугаган сўз ўзлаштирилса, улар айтилишида жарангсизлашади. Масалан: ***жавоп, мектеп, шарап*** каби туркий тилларнинг ундошлар тизимида учрайдиган яна бир ҳодиса ундошлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

геминациясидир. Ундошнинг миқдор жиҳатдан ўзгариб, чўзиқ товушга ўтиши, иккиланиши геминация ҳодисаси ҳисобланади. Қадимги туркий тилда ундошларнинг интервокал позицияда жаранглашуви мавжудлигини назарда тутсак, боботил даврида ҳам ундошлар геминацияси бўлганлигини исботлаш мумкин бўлади. Бу ҳодиса кўпгина тилларда ассимиляция натижасида содир бўлади:
қумиқ тилида: ***минни*** (миндн), ***уланна*** (ўғлонда),
қозоқ тилида: ***атти*** (отни), ***солдаттар*** (солдатлар) каби.
Ўзак таркибида геминат (қўш) товушларнинг учраши барча туркий тилларда бир хил эмас. Ўғуз, қарлуқ, булғор гуруҳидаги тилларда бундай ундошлар кўпроқ, аммо қипчоқ ва Сибир тилларида бу ҳолат камроқ учрайди ёки умуман учрамайди. Масалан, ***таххар*** (чуваш), ***тоғуз*** (қозоқ), ***тоғус*** (қирғиз), ***доғғуз*** (озарбайжон), ***тўққиз*** (ўзбек).

Туркий тиллар фонетик жиҳатдан ўзаро яқин бўлса ҳам, ҳар бир гуруҳ ёки муайян бир туркий тил ўзига хос фонетик тараққиёт жараёнига эга. Шунга кўра, боботил даврида умумий ундошлар бўлгани ҳолда, кейинчалик айрим—айрим ундош товушлар баъзи тилларнинг ўзига хос товушига айланди. Хусусан, туркий тилларда **й,ж,д,ч** ундошлари фарқли равишда қўлланиши билан алоҳида ажралиб туради.

Қорлуқ ва ўғуз тилларида сўз бошида келувчи **й** ундоши ўрнида Сибир ва қипчоқ тилларида **ж,д,ч** товушлари ишлатилади.

Қорлуқ, қипчоқ, Сибир тилларида сўз бошида келадиган **к,т** товушлари вазифасини ўғуз тилларида **г,д** ундошлари бажаради.

Шунингдек, туркий тилларда **ш—с, с—х, й—и** мослиги ҳам мавжуд.

Туркий тиллар консонантларининг мослиги масаласида яна бир муҳим ҳодиса **ротацизм** ва **ламбдаизм** саналади. Ё товушининг **р** га мослиги ротацизм, **ш** ундошининг **л** товушига мослиги ламбдаизм дейилади. Бу ҳодисаларни чуваш тили билан бошқа туркий тилларни солиштирганда яққол кўриш мумкин. Масалан: ***юз—сар, эз—ір, қозон—хуран, кўз—лер, эшит—илт, етмиш—сіітмел*** каби.

Турк тилида 25 ундош бўлиб, айрим шеваларида **нг,ҳ,қ,ғ,д,ж** товушлари қўлланмайди, **г** ва **л** ундошларининг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари фарқланади. Бошқирд тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳ,н,в,ғ,з,ч товушлари бошқа туркий тилларникидан фарқли талаффуз қилинади. Хусусан, **з** ва **с** ундошлари тишлар орасида ва лабнинг тишга зич тегиши туфайли портлаб чиқади. Турк тилидаги **ч** бошқирдчада **с** (**c_1>s**), **с** эса **ҳ** (**s>h**)дир.

Туркман тилидаги 23 ундошдан **нг,ҳ,с,з** товушлари ўзига хосликка эга. Бу тилда **қ,ғ** товушлари учраса—да, алифбосида **к,д** тарзида кўрсатилган.

Арабча сўзлардаги **ф>п** ундошига ўтади:

зафар>запар, афанди>епенди каби.

Туркий тиллардаги ундошлар мослиги масаласини қиёсий методда ўрганиш ундош товушлар тараққиётидаги ўзгаришларни тўлароқ очиб беришга хизмат қилади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР :

1.Туркий тилларнинг ундошлар тизими тадқиқига оид асосий нашрларни шарҳланг.
2.Тил тараққиёти давомида ундошлар табиатида қандай ўзгаришлар бўлган?
3.Қўлланиш белгисига кўра неча турли ундошлар ажратилади?
4.Қайси туркий тилларда жаранглилашув ҳодисаси кучлироқ намоён бўлади?
5.Интервокал позициядаги жаранглилашувга мисоллар келтиринг.
6.Ундошлар геминацияси ҳодисасини шарҳланг.
7.Ҳозирги туркий тилларда қайси консонантлар ўзаро мос кела олади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Серебренников Б.А. Гаджиева Н.З. Сравнительно—историческая грамматика тюркских языков. — М.Наука, 1986.
2. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. — Л., 1970.
3. Бирюкович Р.М. Звуковой строй чульмско—тюркского языка. — М., 1979.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Баскаков Н.А. Историко – типологическая фонология тюркских языков.-М.Наука,1988
4. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.— Т. Ўқитувчи, 1984.
5. Турк лаҳжалари сўзлиги, 1—жилд,—Анқара, 1993.

ҲОЗИРГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ФОНЕТИКАСИ

Қозоқ тилида 23 ундош (шовқиндан иборат), 9 унли(овоздан иборат) ҳарф бордир. Бугунги кунда рус тили таъсирида қозоқ тилининг алфавитига кирган ҳарфий бирикмалар қуйидагилардир: **ц, ш,, ю, я** ва бошқа туркий тиллардан фарқли ўлароқ **е** очиқ унлиси бор. Бу товуш турк ва ўзбек тилларидаги **е** ҳарфига нисбатан очиқ ва кенг товуш ҳисобланади,юмшоқ **а** товушига яқин бир ҳолатларда ҳам учрайди. Қозоқ тилидаги I аксинча бошқа туркий тилларга нисбатан қисқа талаффуз қилиниши билан фарқланади. Ушбу тилга рус тили орқали кириб келган рус ва бошқа байналминал сўзларда I каби талаффуз қилинса ҳам, қозоқ сўзларида «іу,іу » тарзида ўқилади.

Қозоқ тилидаги **в** ундоши туркча, ўзбекча ва бошқа туркий тиллардан фарқ қилади. Тишлар лабларга яқин, титраб, лаблар орасидан портлаб чиқади, титроқ товуш ҳисобланади. Ҳозирда қозоқ алфавитидаги «***ув, ўв, в***» товушлари бир товуш сифатида қайд қилинган.Бадиий матнларда булар уч хил ҳолатда ўқилиши тавсия этилади. Русча сўзларда бу ҳарф айни ***«в»*** билан ифодаланган.

Қозоқчадан туркчадан фарқли ўлароқ 5 ундош бор **:v,g,h,ng** ва қалин **к** дир. Булардан **v** товуши лаблар портлаб талаффуз қилинади, **g** туркчадаги **g** дан янада аниқроқ, бўғизга яқин талаффуз қилинади. **h** товуши Онадўли (Туркиянинг қадимги номи) атрофларида тез—тез тилга олинадиган бўғизга яқин титроқ **h** товушидир. **Ng** ундоши эса ўзбек тилида арабча сўзларда учрайдиган айни **ng** товушидир. Бу бевосита нг ҳарфий бирикмаси билан ифода қилиниб, бўғин кўчиришда ҳам иккига ажратилмайди.Қозоқ тилидаги кенг **к** унлиси туркчадаги **к** товуши каби бўғизга яқин, юмшоқ талаффуз қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозоқ тилидаги товушларнинг бошқа туркий тиллардаги товушларга мослиги қуйидаги хусусиятларга эга:

1.Озайбайжон, туркча ва умуман туркий тиллардаги **ш** товуши қозоқ тилида **с** тарзида таржима қилинади: *бош—бас, тош—тас, аш—ас.*

2. Қозоқ тилидаги **ш** товуши бошқа туркий тиллардаги **ч** товушига мос келади: *аш —оч(очмоқ),иш—ич(ичмоқ), кеш—кеч(ўтмоқ маъносида) каби*

3. Сўз бошидаги ҳамма й товушлари қозоқ тилида **ж (j)** дир: *жил—йил—yil, жаз—ёз—yaz каби*

4. Ўғуз тилларида **г** товуши билан келувчи барча сўзлар қозоқ тилида **к** товуши билан қўлланади: *кўз—goz, курес—кураш—gures,, кир—gir (mek)—кир(моқ) каби*

5. Қозоқ тилида сўз бошидаги **т** товуши ўғуз тилларидаги **д** товуши ўрнида келади: *тил—dil, тис—dis, тўй—doyтak* каби.

6. Кенг унли ва бир бўғинли сўзларнинг охирида қўлланиладиган **ғ** товушлари қозоқчада **в** товушидир: *тав—дағ—тоғ, бав—бағ—боғ, жав—уад (мак)—ёғ (моқ)*

7. Ўғуз лаҳжасида, яъни туркча, озарбайжон тилларидаги *vermek, var, varmak* қозоқ тилида *бер—,бар, бар—* тарзида қўлланилади.

8. Арабча, француз тилларидан кирган сўзлардаги **ф (f)** товуши кўп ҳолларда **п** товуши билан қўлланилади ва баъзан **б** товуши билан алмашинади: *пикир—фикр, пакир—фақир, Батима—Фатима* каби;

9.Арабчадан кирган кўпгина сўзларда **а** товушлари ўрнида сўз боши ва ўртасида **(g)ғ товуши** ишлатилади: *ғилим—илим—илм, ғалам—алам, соғат— соат каби*;

10. Французча, арабчадан олинган айрим сўзларнинг бошида **ҳ** товуши сўзлашувда тушиб қолади ёки **к** билан алмашинади: *ҳар—аар, ҳозир(тайёр)—аазир* каби;

11.Қозоқ тилида икки унли орасидаги барча тор «**к**» товушлари «**г**» билан алмашинади: *экин—егин, керак—герек, уйдаки—уйдеги* каби;

12.Икки унли орасида қўлланиладиган «**қ**» товушлари «**ғ**» билан алмашиб қўлланилади: *шиғув—чиқув, шиғамин—чиқмоқчиман* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

13.Сўзларнинг сўнгги ёпиқ бўғинларида қўлланиладиган (rk, lk) рк, лк каби товушлари орасида унли қўлланилади: *берик—берк, турик—турк, ҳалик—халқ*

14.Бўғин бошида келадиган о, ў:, у, у: унлиларидан кейин келадиган и ва і товушлари оғзаки нутқда «у» ва «у:» дир: *кўрди* ёзилади, *кўрду* ўқилади, *жузимиз—жузумуз.узим—узум* каби;

15.Шунингдек, бўғин бошида о, ў, у, у: унлиларидан сўнг келган келган «а» ва «е» товушлари қозоқ тилида о ва ў тарзида қўлланилади: *суйек* ёзилади, *суйўк* ўқилади, *уйде—уйдў, кўлд ен—кўлдўн каби.*

Қирғиз тилда 20 та ундош ва 8 та унли ҳарфлар мавжуд.Ҳозирги қирғиз алифбосида **г** ва **ғ** товушлари бир ҳарф(**ғ**) билан берилган.Қирғиз тили товуш тизимининг бошқа туркий тиллардан фарқ қилувчи асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1.Қирғиз тилида товушларнинг лаб сингармонизми кенг тарқалган.Биринчи бўғиндаги кенг унлилар(**о,ў,у,у:**) кейинги бўғиндаги тор унлиларни кенг унлиларга мослаштиради.Биринчи бўғиндаги « **о**» ва « **у**» кейинги бўғиндаги «**а**» ни «**о**» га, «**и**» ни «**у**» га айлантиради. Масалан: *болсо(бўлса),болбоду(бўлмади)*.Шунингдек, биринчи бўғинда «**ў**», «**у;**» унлилари келса,» **а**» «**ў** «га «**и**»лар «**у:**»га ўтади:

су::йлўшмў(гаплашиш,сўзлашув),ўлкўлўрдў(ўлкаларда) каби;

2.Туркий тил орқали араб ва форс тилларидан қирғиз тилига ўзлашган кўпгина сўзларда узун «**и**» товуши «**ий**» тарзида айтилади ва ёзилади: илмий, натийжа .Баъзи «**а**»лар эса «**е**» тарзида қўлланади:*мамлекет,албете,маселе* каби

3.Бошқа тилдан олинган **р,л,в** ҳарфлари билан бошланган сўзларда бир унли ҳарф сўз бошида ёзилади(«**в**»ҳарфи «**б**»га ўтади.)Масалан: *ирази (рози),уруксат (рухсат), убакит (вақт),убада(ваъда) каби;*

4. Сўз бошидаги « **й**» ҳарфлари қирғиз тилида «**ж**» билан берилади: *жаз(ёз), жўқ(йўқ),журт(йурт—юрт) каби;*

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Ўғуз лаҳжаларидаги «д» билан бошланувчи сўзлар қирғиз тилида «т» ҳарфи билан берилади: *дағ — тў, дил—тил, душмак —тушу:* каби;

6.Ўғуз лаҳжаларидаги «г» ҳарфлари билан бошланувчи сўзлар қирғизчада «к» билан алмашади:гун —кун, гўл— кўл,гелмек — келу: каби;

7. Бошқа тилдан кириб келган «ҳ»(h) ҳарфли сўзлар бошида ушбу ҳарф тушиб қолади: *ар(ҳар), ўнўр(ҳунар), арип(ҳарф),аба(ҳаво),еч(ҳеч*) каби;

8.Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги «х» товуши қирғизчада «қ» товушига айланади: *қат (хат),қалқ (халқ),қабар (хабар),уруқсат (рухсат*) каби;

9. Қирғиз тилининг энг муҳим ва ўзига хос хусусияти шундаки, чуқур тил орқа товушлардан бири бўлган «ғ»нинг тушиб қолиши, кучсизланиши ва бунинг натижасида сўзларда узун (кенг) унлиларнинг пайдо бўлиши фаол товуш ҳодисаси ҳисобланади.Ҳозирги қирғиз тили алифбосида узун унлилар қўш товушлар (*аа, оо,ее,уу* каби) тарзида кўрсатилмоқда.Таркибида «ғ» товуши бўлган ҳарфли бирикмалар сўздаги ёндош товушга боғлиқ ҳолда ўзгара олади:

• **оғ** товуш гуруҳида узун «о»га ўтади:*тоо (тоғ),,соо(ўнг,соғ),,соолиқ(соғлиқ)* каби:

• **ўғ** товуш гуруҳида узун «у»га ўтади:*буу(бўғмоқ), туу(туғмоқ), буудай(буғдой),туура(тўғри)* каби;

• **ўғи** товуш гуруҳида ҳам узун «у» га ўтади: *уул(ўғил),сууқ (совуқ) каби:*

• **оғи(ағи)** товуш гуруҳида узун «ў» га ўтади: *ўўр(оғир), ўўз(оғиз), бўўр(бағир)* каби;

10.Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги «в», «ҳ» товушлари тушиб қолади ва узун унлилар пайдо бўлади:*дўўр(давр), жўўп(жавоб), шаар(шаҳар), қаарман(қаҳрамон) каби.*

Татар тилида 22 ундош, 9 унли ҳарф бўлиб. бундан ташқари рус тили орқали кирган сўзларда ц,ш,ю,я ҳарфлари ҳам қўлланади. Татар тилида «о « ва «ў» унлилари бошқа туркий тиллардагига нисбатан тор ҳамда қисқа талаффуз этилади.Шунингдек,одатдаги «и»

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушидан кўра қисқароқ айтиладиган «ы» товуши ҳам алифбода акс этган.Татар тилидаги ўзига хос ундошлар сифатида **җ, нг.в, ғ** товушларини кўрсатиш мумкин.Чунончи, **«в»** товуши тил учининг тишларга тегиши билан эмас, балки лаблар орасида талаффуз қилинади.

Татар тили товуш тизимининг бошқа гуркий тиллардаги товушларга муносабатида қуйидаги хусусиятларни таъкидлаш лозим:

1. Бошқа туркий тиллардаги **«ў»** товуши татар тилида **«у»** тарзида айтилади ва шундай ёзилади: *ун (ўн),йуқ (йўқ),ду:рт (тўрт)* каби.

2.Туркий тиллардаги **«у»** товуши татар тилида **«ў» (ў–у–и** орасидаги),**»у:»** эса **о (о–у:–ъ1** ўртасидаги) товушга айланади.Масалан: *қўш (қуш), тўр– (турмоқ), дорис (дуруст), оч (уч)* каби.

3.Биринчи бўғиндаги **«э»** товуши татар тилида **"и»** билан алмаштирилади: *итак (этак) ,ишак (эшак),мин (мен) ,кил– (келмоқ)* каби.

4.Биринчи бўғиндаги **ў,о,у,у:** унлиларидан кейин **у, и** товушлари келса, қўшимчаларнинг таъсирида **и, ь1** унлиларига ўзгаради *тўрил (туркча–дуруп) ,унунчи (ўнунчу), ду:ртинчи(дўртунчу)* каби.:

5.Сўз бошида кўпчилик туркий тилларда **«б»** товуши билан бошланадиган сўзлар татар тилида **«м»** ундоши орқали берилади: *муйин (бўйин) , мин– (туркчада бинмак)* каби.

6.Татар тилида икки унли орасидаги **«п»** ундоши **«б»** товушига айланади ва шундай ёзилади: *йабиш– (ёпишмоқ).тибиш –(тепишмоқ)* каби.

7.Икки унли ўртасида қолган **«к»** товуши **«г»** га, **«қ»** эса **«ғ»** товушига ўтади ва шундай ёзилади: *сигиз (саккиз). игин (экин). туғиз (тўққиз),чиғар–(чиқармоқ)* каби.

8.Туркий тилларда асосан **«й»(е–йз)** билан ёзиладиган баъзи сўзларда бу товуш татар тилида **«ж»** тарзида ёзилади ва талаффуз қилинади: *жиди (етти–йетти), жим (ем–йем), жир (е–йер)* каби.

9.Арабча тилидан олинган сўзларда учрайдиган айн белги билдирадиган товуш татар тилида **«ғ»** ҳарфи

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали берилади: *сағат (соат), шағийр (шоир), ғаила (оила)* каби.

10.Асл туркий сўзлардаги «ж» товуши татар тилида «ч» тарзида айтилади ва ёзилади: *йулчи (йўлжу—йўлчи), килечек (келажак), аличи (олижи—олувчи)* каби.

Уйғур тилидаги к товуши ўғуз гуруҳига мансуб туркий сўзларда **g** га ўзгаради: *kalmak(*gelmek*),kormak(*gormek каби.

Туркий тиллардаги **d** товуши уйғур тилида **t** билан алмашади: *tag(*dag*), til(*dil*), tokkuz(*dokuz*)*каби.

Уйғур тилидаги ç, і товушлари бошқа туркий тиллардаги **c,ı** билан алмашинади: *keça*(gece), *keçikmak*(gecikmak), *yırak*(ırak) *yil*(yıl), лекин **к** ва **g** ундошларидан кейин келган сўзларида эса каттиқ **ı** унлиси каби талаффуз қилинади: *kıl, kız, kız* каби.

Кўп бўғинли сўзларнинг сўнгги бўғинида қўлланилган **а** ва **ä** товушлари бу сўзларга сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қўшилганда **і** ҳарфига кўчади: *ata — atılar*(atilar), *bala — balimiz*(balamiz)*каби*. Аммо француз, араб тилидан олинган, ўтган ва келажак замон билан боғлиқ вақт, масофа тушунча билан боғлиқ сўзларда қуйидагича сақланади: *hayat—hayatim, insan—insaniy.*

АДАБИЁТЛАР:

1.Türk Dilleri Sozlügu, 2-jıld,-Ankara, 1993

2.Demir N.,Yilmaz E. Türk Dili.-Ankara,2003

3.Tekin T. Türk Dilleri, TADD 20,Simurg,-Ankara,1996

4. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. — Л., 1970.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий тилларда унли товушлар тизими

ўзбек	турк	қозоқ	қирғиз	туркман	олтой	татар	ёқут
а(*қўйи, кенг*) -	а (*қаттиқ, лаб-маган*) -	а ý(')	а [1]	а [2] ý(')	а -	а	а
о(*қўйи, кенг*)	о(*кенг, юмшоқ, лаб гаи*)	о	о	о	о	о	о
е(*ўрта, кенг*)	е(*кенг ўмшо- лаб-маган*)	е	е(е,уе)	е	е(уе,е)	е(уе,уі,е)	е(уе)
	е`(*ёпиқ, юмшоқ*)	-	-	-	э(е)	э(е)	э(е)
о`(*ўрта, кенг*)	ö(*кенг, юмшоқ, лаб-ган*)	0(ö)	0(ö)	ö	ö	0(ö)	0(ö)
я (*юқори, тор*)	и(*қаттиқ, тор*)	Y(и)	у (и)	и	у(и)	у(и,w)	у(и)
	ü(*юмшоқ, тор*)	Y(ü)	Y(ü)	ü	у(ü)	Y(ü)	Y(ü)
і(*юқори, тор*)	ы(*қаттиқ, тор л-маган*)	и(і) (іу)	и(і) ы(ı)	і у(ı)	и(і) ы(ı)	и(і,еу) ы(ı)	и(і) ы(ı)
	і(*юмшоқ, тор . л-маган*)	ы (ı) і					

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОРФОЛОГИЯ

Туркий тилларда сўзлар тузилишига кўра тўлиқ маъноли ва ёрдамчи морфемалардан ташкил топади. Тўлиқ маъноли морфемалар ўзак (негиз) қисмдан иборат бўлиб, бу жиҳатдан сўзларни қиёслаганда туб ва ясамалилик, шунингдек парадигматик қаторлари билан фарқланади. Бундай ўзак морфема туркий тилларда синхрон жиҳатдан бўлинмас шакл бўлиб, янги сўз ва шаклларнинг ҳосил бўлиши учун асос саналади. Ёрдамчи морфемалар эса шаклий бирликлардир. Буларга фақат аффикслар (масалан, отлардаги эгалик ёки макон маъносини англатувчи шакллар)гина эмас, шунингдек, ўзак—сўз(боғловчи, кўмакчи ва б.)лар ҳам киради. Барча туркий тилларда аффиксал морфемалар қўшимча грамматик маънони шакллантиришга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, сўзнинг морфем тузилиши бўғин таркибига мувофиқ келмайди. Масалан, туркча ***yaz—y—yor—um***(ёзяпман), туркманча ***gel—yar—in***(боряпман) шу сўзларнинг бўғин қурилишига мос эмас: ***ya—zy—yo—rum, gel—ya—rin.***

Туркий тилларнинг барчасида аффикслар сўз ўзагига агглютинация йўли билан қўшилади. Бу усул ўз моҳиятига кўра морфема миқдорига мос тарзда грамматик маънонинг кенгайишини назарда тутади, натижада сўз кетма—кет қўшилувчи аффикслар билан тўла шаклланади, сўзда қўшимчалар занжири ҳосил қилинади. Аффикслариинг ўзакка қўшилиш тартиби маънога боғлиқ ҳолда юз беради: аввал умумий маъноли, сўнгра тор, узуал грамматик маъно ифодаловчи қўшимчалар келади. Туркий тилларнинг кўпчилигида қўш аффиксли шакллар, яъни икки ва уч қўшимчанинг бириккан ҳолда қўлланиши мавжуд. Бу ҳолат эски уйғур, уйғур, ёқут ва чуваш тилларида, айниқса, кенг тарқалган.

Кўпгина туркий тилларда аффикслар бир маъноли деб қаралса ҳам, икки ва уч маъноли қўшимчалар ҳам оз эмас (масалан, ***—лар*** қўшимчаси). Айрим туркий тилларда буйруқ майли шакли императив, сон ва шахс маъноларини ҳам ифодалайди. Чуваш тилида от ўзакдаги сўнгги ***а, е,*** аффикслари 2—шахсда ***и, й***, 3—шахсда ***і*** қўшимчалари билан алмашади. Бу ҳолат туркий тилларда айрим аффиксларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

флектив хусусиятидан дарак беради. Чуваш тили унсурлари туркий қўшимчаларнинг флектив маънони ифодалаши боботурк давридагина эмас, умумтурк даврида ҳам давом этганлигини асослайди.

Туркий тилларда олд қўшимча(префикс)ларнинг йўқлиги таъкидланса—да, араб ва форс—тожик тилларига хос префиксларнинг туркий тиллар сўз ясалишида қатнашаётганлиги аниқдир.

Туркий тилларда сўз туркумларини ажратишда муайян гуруҳга мансуб сўзларнинг умумграмматик(категориал) семантикаси ва ўзига хос лисоний белгилари: морфологик (сўз ясалиши ва сўз таркиби ўзгариши) ҳамда синтактик (сўзларнинг бирикувчанлиги) хусусиятлари назарда тутилади. Шу белгилар асосида от, сифат, равиш, феъл каби мустақил сўз туркумлари ажратилади. Туркий тилларда сон ва олмошлар ўзига хос хусусиятларга эга. Буларда шаклий белгилар мавжуд эмас, шунинг учун улар семантик хусусиятига кўра тавсифланади. Айрим гуркий тилларда, хусусан, ҳозирги гурк тилида сифат, сон, олмош, равиш гуруҳига кирувчи сўзларнинг номинатив сўз туркуми(от)га киритилишида ҳам ана шу семантик хусусият асос қилиб олинган.

Айрим тилшунослар туркий тилларда сифат ва равишларнинг камлиги, улар тўла шаклланиб улгурмаганлигини ноўрин асосламоқчи бўладилар. Аслида туркий тилларда муайян сўз ҳам сифат, ҳам равиш сифатида қўллана олади. Сўзларнинг бу хусусиятини қуйидаги ҳолат билан асослаш тўғри бўлади: ҳинд —европа тиллари билан туркий тиллар ўртасидаги муҳим фарқлардан бири белги—хусусиятни аниқлаш йўлларининг турличалигидадир (бунда от билан ифодаланган тушунчаларнинг катализаторлари назарда тутилмоқда). Масалан, рус тилида аниқловчи сифатида асосан сифатлар, яъни предметлик тушунчасини аниқлаштирувчи сўзлар сифат шаклида қўлланади: *железная дверь, железнь!й мост* каби. Туркий тилларда эса от туркумига хос сўзлар ҳеч қандай ўзгаришсиз аниқловчи бўлиб кела олади, яъни рус тилидагига ўхшаб сифатлилик шаклини олишга эҳтиёж йўқ: ***темир эшик, demir kapi*** каби. Демак, туркий тилларда аниқловчи кўп ҳолларда от билан, ҳинд —европа тилларида эса сифат билан ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунга кўра, туркий тилларда бир томондан, сифатнинг миқдор жиҳатдан бойиши шарт эмас, бошқа жиҳатдан туркий тилларнинг умумий тараққиёти асосида бошқа сўз туркумлари қаторида сифатлар ҳам ортмоқда.

Туркологияда мустақил сўз туркумлари каби ёрдамчи сўзлар таснифида ҳам бир хилликни кўриш қийин. Татар тили грамматикасида ёрдамчи сўзлар бириктирувчи ва модал сўзларга ажратилиб, боғловчи ва кўмакчиларга бириктирув воситалари деб қаралади. Ҳозирги турк тилида эса қўшимча грамматик маъно ифодаловчи воситаларнинг барчаси ***"Edatlar"*** номи билан юритилади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги туркий тилларда қадимги туркий тилга хос айрим кўмакчи ва ёрдамчи сўзлар ишлатилмай қолган, айримлари ўрнида араб, форс—тожик тилларидан ўзлашган ёрдамчи сўзлар қўлланади. Ёрдамчи сўз ва шаклларнинг бир қисми туркий тилларда бирдан ортиқ вазифани бажариши билан ажралиб туради. Буни ***билан, учун, қарши, ҳам. ва*** сўзлари, турк тилидаги ***—yor*** шакли, кўмакчи феъллар мисолида қиёслаш мумкин. Табиийки, ёрдамчи сўзлар туркий тилларда аналитик сўз шаклларини ҳосил қилишда фаол қатнашади. Аммо бу тилларнинг кейинги тараққиётида аналитик бирикмаларнинг салмоғи фарқли даражаларда ўзгариб бормоқда. Масалан, ўзбек, қозоқ, татар тилларида аналитик сўз шакллари кўпайган бўлса, турк, туркман, хакас, гагауз тилларида синтетик шакллар нисбатан кўпайган. Масалан, бу ҳолатларни кўмакчи феъларнинг қўлланиши мисолида қиёслаш мумкин: **олиб қўя қол, шўйлей аламиз,келувинг керек эмас пэ(*қозоқча*), *alabilirim, yazmaliyim(туркча)*** каби.

АДАБИЁТЛАР:

1.Banguoglu T. Türkçenin Grameri,TDK,-Ankara,1990

2.Demir N.,Yilmaz E. Türk Dili.-Ankara,2003

3.Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков 1. Имя. 2. Глагол.—Л., Наука, 1981.

4.Баскаков Н.А. Историко—типологическая морфология тюркских языков.—М., Наука, 1979.

5.Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.:,-Л.:, Наука,1988

www.ziyouz.com kutubxonasi

6.Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка.М.:Л.,1956
7.И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.—Т. Ўқитувчи, 1984.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА СЎЗ ТАРКИБИ ВА ГРАММАТИК МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Туркий тиллар фақат генетик жиҳатдан қариндош тиллар ҳисобланмай, шу билан бирга типологик хусусиятлари ҳам умумийдир: улар морфологик таснифига кўра агглютинатив тиллар гуруҳига киради. Сўз ўзаги ва сўз шаклларидаги муштараклик бу ҳодисаларнинг хусусиятларида ҳам акс этган. Бу жиҳатдан туркий тилларнинг хусусиятлари қуйидагиларда кўринади:

- сўзнинг доимо ўзакдан бошланиши;
- ўзакнинг ўзгармаслиги, яъни ўзакка ҳар қандай қўшимча қўшилганда ҳам ўзакнинг фонетик жиҳатдан ўзгармаслиги;
- сўз шаклларининг асосан қўшимчалар воситасида ҳосил бўлиши;
- сўз шаклларининг ҳосил бўлишида супплетив шакллар мутлақо қатнашмаслиги, яъни бир сўзнинг турли шакллари фақат бир ўзакдан пайдо бўлиши;
- ҳар бир қўшимча алоҳида грамматик маънони ифода этгани учун ҳар бир сўз шаклида бир неча қўшимчаларнинг кетма—кет кела олиши;
- ўзак морфема ва аффиксал морфеманинг органик бирика олмаслиги, улар орасидаги чегара сезилиб туриши.

Туркий тилларнинг барчасида сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларга ажратиш мумкин. Аммо туркологлар ўзакнинг таркиби ва тараққиёти хусусида гурлича фикр билдирадилар.

Баъзи олимлар туркий тилларда қуйидаги ўзак типлари қадимги даврлардан мавжуд деб қарайдилар: (**Г**— унли, **С**— ундош): **Г** *(у)*, **ГС** *(ўт)*, **СГ** *(ма)*, **СГС** *(тош, гул)*, **ГСС** *(ост)*,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГСГ *(ука)*, **СГСГС** *(бошоқ)*, **СГСГ** *(моға)*, **СГСС** *(тўрт)* (В.Котвичнинг хулосасига кўра).

Бошқалар **СГС** типли ўзакларни типик ҳисоблаб, туркий тилларидаги бошқа кўринишли ўзаклар шу ўзакнинг тараққиёти, ўзгаришидан пайдо бўлган деган фикрни билдирадилар.Масалан,***бол*** сўзи кейинчалик ўғуз тилларида ***ол*** шаклига келган(Н.А.Баскаковнинг фикрича). Бошқа тилшунослар **СГ** тип ўзакларни бирламчи ҳисоблаб, **СГС** типли ўзаклар шу ўзакнинг тараққиёти натижаси деб ҳисоблайдилар (А.Зойончковский). Бу гуруҳ тарафдорлари

"Девону луғат — ит турк" ва бошқа ёдномалардаги ўзак — ларга (***са—сана, ба—боғла, си—син, йў—йув*** каби) асосланадилар.

Бу фикр ҳақиқатдан ҳам асослироқ, чунки биринчидан, туркий тилларда ўзак даҳлсиз бўлгани учун ҳам кейинги тараққиёт давомидаги ўзгаришлар нутқ оқимида ўзакдан кейин қўшилган воситалар ёрдамида содир бўлади, иккинчидан, туркий тилларда янги маъно доимо товуш қўшиш орқали ҳосил қилинади, яъни товуш ташланмайди. Зеро, янги сўз ҳам асосан агглютинация қоидасига кўра, ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Агглютинация туркий тилларнинг асосий типологик хусусиятидир. У орқали қуйидагилар белгиланади, аниқланади:

- морфемаларнинг аниқ чегараси;
- морфемаларнинг фонологик жиҳатдан ўзгармаслиги;
- морфемаларнинг кўпинча бир маънолиги;
- морфемаларнинг нисбатан мустақиллиги.

Туркий тилларда аффиксал морфемаларнинг маъно ва вазифаларига кўра турлари ҳам бир — бирига мос келади. Буни сўз ясовчи,сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар мисолида кўриш мумкин. Ўзак ва қўшимчаларнинг турлари қатъий тартиб асосида бирикади; яъни **ўзак + сўз ясовчи қўшимча + шакл ясовчи қўшимча + сўз ўзгартирувчи қўшимча**.

Айрим ўзак ва қўшимчалар тарихий тараққиёт давомида ўзгарганлиги асосан ўзак ва қўшимчанинг бирикиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетишидан, бунда урғудан олдинги унлининг тушиб қолиши муҳим роль ўйнаганлиги туфайли юз берганини ҳам таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам диахрон планда айрим сўзларни ўзак ва аффиксга ажратиб бўлмайди.

Аффиксал морфемаларнинг келиб чиқиши масаласидаги муаммолардан бири аффикслариинг **фузияси**, яъни қўшилиб, бирлашиши талқинидир. Туркий тилларда бир хил маъноли ва ҳатто ҳар хил маъно (вазифадаги) аффикслар ҳам фузия жараёнида ўзгаришга учраган.Масалан, *олиб кел* > *опкел*,нўтайча *акел*, озарбайжонча *йов* + *қула*> *йовала* (қувала, қуваламоқ) каби.

Туркий тиллардаги ўзак ва аффиксларга хос яна бир белги уларнинг омонимияси кенг тарқалганлигидир. Аффиксал морфемаларнинг кўплиги ва уларнинг товуш таркибининг чекланганлиги аффиксал омонимияга сабаб бўлган, шунинг учун ҳам от ва феъл сўзларда омонимлик нисбатан фаол ҳисобланади.

Морфологик элементларнинг кўплиги ва қўшилиб қисқарганлиги туркий тилларда уларнинг формал эволюциясига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам морфемаларнинг архитипларини тиклаш мушкул. Бу эса тарихий сўз ясалишини этимологик тадқиқотлар орқали ёритиш мақсад мувофиқлигини кўрсатади.

Туркий тилларда грамматик маъно булардан ташқари қуйидаги усуллар орқали ҳам ифодаланади:

1. Сўз товуш таркибининг вариантлари ва сингармоник параллелизм сўз маъносининг кенгайишига асос бўлади. Сўздаги урғунинг ўзгариши ҳам грамматик маънони ифодалашнинг бир усулидир.

2. Ўзак (негиз)нинг такрор қўлланиши сўз ва грамматик маъно ясаш усули бўла олади. Бунга негизнинг тўлиқ ва қисман такрорланиши, ўзакдаги товушнинг ўзгариши орқали бўладиган такрор киради.

3. Турли сўз шакллари таркибида кела олувчи морфологик бирликларнинг ўзаро алоқаси натижасида аналитик шакллар ҳосил қилинади. Туркий тилларда айрим қўшма феъллар синтетик шаклга ўтиши ҳолати ҳам ўзига хос ҳодисадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тилларда сўз шакли кандай умумий хусусиятларга эга?
2. Туркий тилларга хос бўлган ўзак типларини тавсифланг.
3. Агглютинация ҳодисасини изоҳлаб беринг.
4.Аффиксал морфемаларнинг кайси турлари туркий тилларда кенг тарқалган?
5.Ўзак ва аффиксларда фузия ҳодисасини туркий тиллар мисолида шарҳлаб беринг.
6. Туркий тилларда грамматик маъно кандай усуллар оркали ифодаланади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков 1. Имя. 2. Глагол. — Л., Наука, 1981.
2. Баскаков Н.А. Историко — типологическая морфология тюркских языков. — М., Наука, 1979.

3. Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально — историческом освешении. — м., Наука, 1982.
4. Севортян Э.В. Аффиксы глагольного словообразования в азербайджанском языке. — М.,1962.
5. Иванов С.Н. Об изучении грамматики тюркских языков. История современности || СТ, № 5,1976.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА СЎЗ ЯСАЛИШИ

Туркий тилларда сўз ясалиши ҳодисаси ҳар бир сўз туркуми доирасида қиёсий — тарихий жиҳатдан ўрганилганда қўшимчалар орқали янги сўз ясовчи элементлар ҳозиргига нисбатан қадимги тараққиёт босқичида кўпроқ бўлганлиги маълум бўлади. Уларнинг кўпчилиги синхрон планда сўз ясаш вазифасини тўхтатган бўлиб, икки — уч сўздагина учрайди. Таъкидлаш жоизки, туркий тилларда асосий сўз ясалиш усули морфологик усулдир. Сўз шаклининг умумий модели қўшимчаларнинг қуйидаги таркибини сақлашни тақозо этади: ўзак (негиз — ўзак маъносини аслий маъно оттенкаларини ифодаловчи формант — эгалик кўрсаттичи —

www.ziyouz.com kutubxonasi

келишик аффикси). Чуваш тилида эса кўплик шакли эгалик қўшимчасидан сўнг қўшилади.

Сўз ясалиши ҳодисасини яқин қариндош тиллар ёки алоҳида тиллар мисолида ўрганиш зарур.

От ясалиши. Туркий тилларда от ясовчи шаклларнинг кўплиги ва умумий архитипларнинг шаклланишини ёритишнинг қийинлиги кўпгина элементларнинг боботил давридан сўнгги босқичда пайдо бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун фаол қўшимчаларни кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

1. От баъзан сифатдан от ясовчилар: **−чь||−чи (дилчи, жолдас, ағ ачлық)−таш||−дош, лық||−лик**.

2. Кичрайтириш маъносидаги от ясовчилар:

қач−қаж −оқ||−ақ, −қа||−ка, −қы||−ки каби :олтойча: *қожаноқ* (қушча), қирғизча: *атака* (отажон), тува: *қушқаш* (қушча)).

3. Феъллардан от ясалиши туркий тилларда кенг тарқалган, шунинг учун феъларнинг отлашувига қулай имконият яратилган.

Олтой тилида ***қапқан***, туркманча ***дегишган*** (ҳазилкаш), ***бақылы*** (боқимли), қозоқча ***тўқъма***, олтойча ***бу:лам*** (боғлам), туркча ***йемиш***, қозоқча ***шъғым*** (чиқим), қирғизча ***йарть*** (ярим), туркча ***гурулту*** (шовқин).

Сифат ясалиши туркий тилларда уч усулда: аффиксация, сўз қўшилиши ва адъективация орқали амалга оширилади. Қўшимча қўшиш орқали сифатларнинг қуйидаги маъно турлари ясалиши мумкин:

1. Нисбий маънодаги сифатлар: ***−ль, −льғ, −лык, −кы, −дань*** (хакас: *хатьғ* (қаттиқ), тува: *изьғ)*.

Бу қадимги шакллар Сибир тилларида кўпроқ сақланган. Баъзи туркий тилларда бу қўшимчадаги ***ғ>қ*** га ўтган, баъзисида эса тушиб қолган: *ьсьқ* (қирғиз), исси (кумик), *часқь* (тува*)*, *чирдаги* (ердаги − хаказ).

2. Кичрайтириш маъносидаги сифатларни ясовчи элементлар жами саккизта бўлиб, улардаги асосий хусусият қўшимчалардаги элементларнинг такрорланишидир. Булар: ***ц, (г), л, м, р, с, т, ш, ч*** ундошлари ***а, и, ь*** унлилари билан бирикиб келади: қозоқча: *сърқач*, нўғайча: *сърғълт*, олтойча: *кьзьлтьм*, қозоқча: *қарамь* туркча: *сарьмтьрақ, ашьран*,

www.ziyouz.com kutubxonasi

татарча: *алсу* (қизилча), туркманча: *аққа* (оқроқ) — *акчыл* (туркча), *гарашьн* (озар.б), *асьль* (гагауз).

Феъл ясалиши туркий тилларда аффиксация усулидан ташқари композиция йўли шунингдек, аналитик феъллар ҳосил қилиниши билан ҳам ажралиб туради. Туб феъллар омонимик хусусиятга эга ёки эга эмаслиги билан фарқлана олади (*қат—қатилмоқ*, *қат—қават*).

Туркий тилларда феълнинг сўз ясалиши деривацияси ва шакл ясалиши бир—бирига анча яқинлиги учун уларни фарқлашда баъзан қийинчилик юзага чиқади. Хусусан, такрорий ҳаракатни ифодаловчи кўпгина қадимги феълларнинг ясалиши генетик жиҳатдан кўплик, жамлик кўрсатгичлари билан боғлиқдир (*қана—қонамоқ* (туркча), *сувғар—суғор* (хакас), *балтала* (озарб).

Отдан феъл ясовчи қўшимчалар (*—ла*) нисбат шаклини ҳосил қилувчи аффикслар (*—лаш*, *—лаш*) билан генетик алоқада бўлгани учун ҳам туркий тилларда уларни фарқлаш қийин. *—Ла* ясовчисининг фонетик варианти бўлган—*да* тақлидий сўзлардан феъллар ясашда фаол қатнашади (*гьжьрда* —гижирла (гагауз), *дъбърда* — қимирла (нуғай). — Ар, —ьр қўшимчалари ҳам қадимги тилда давомли ҳаракатни англатган, кейинчалик бирор белги—ҳолатга кўчилишини билдира бошлаган: *кўчер—кўкар* (нўғай), *жанар*—янгиланмоқ (қозоқ).

Феълларнинг аналитик шаклларини ҳосил қилишда умумтуркий ёрдамчи феъллар асосий ўрин тутади (*эт*, *қыл*, *бўл*, *ур*, *айла* каби). Айрим туркий тилларнинг ўзига хос кўмакчи феъллари ҳам мавжуд (*йаса* (татар) — қилмоқ, *буйур* (турк) — буюр, *ту* (чуваш) — қилмоқ, *гьн* (ёқут) — қилмоқ ва б.).

Туркий тилларда аналитик ва синтетик феъл шакллари параллел қўллана олади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тилларга хос сўз шаклининг умумий моделини таърифланг.

2.От ясовчи шакллар туркий тилларда қандай умумий хусусиятларга эга?

3.Сифат ясовчи қадимги шакллар қайси тилларда кўпроқ сақланган?

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Туркий тилларда сўз ясовчи қўшимчалар қайси қўшимчалар билан генетик алоқада бўлиши мумкин?
5.Аналитик феъл шаклини ҳосил қилувчи умумтуркий феълларни мисоллар билан санаб кўрсатинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке.—М., 1966.
2. Севортян Э,В. Аффиксы глагольного словообразования в азербайджанском языке.—М., 1966.
3. Насилов В.М. Глаголные имена в их развитии в тюркских языках—Вопросы тюркской филологии.—М, 1966.
4. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Имя.—Л., Наука, 1981.
5. Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно—историческая грамматика тюркских языков.—М., Наука, 1986.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА СЎЗ ЎЗГАРИШИ

Туркий тилларнинг сўз туркумлари ўзига хос хусусиятлари билан флектив тиллардан фарқ қилади. Булар қаторида грамматик род категориясининг йўқлигини, барча от сўзларнинг ҳам бирлик, ҳам кўпликда қўлланишини, олмошларда алоҳида сўз ясовчиларнинг йўқлигини, ёрдамчи сўз шаклларининг кўплигини ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Бу хусусиятларнинг ҳар бир туркий тилдаги кўринишини ўрганиш, уни бошқа қариндош тил ҳодисаси билан қиёслаш, флектив тиллардаги ҳодисалардан фарқли томонларини таҳлил этиш туркий тиллардаги сўз ўзгаришлари жуда ранг—баранглигини кўрсатади. Аслида сўз туркумлари миқдорий белгисига кўра фарқланса ҳам, сифат белгисига кўра бир—бирига анча мос келади. Масалан, турк тилида, асосан, от, феъл ва боғловчилар ажратилса—да, ўзбек тилидаги бошқа ўрганилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

От сўз туркуми туркий тилларда асосан қуйидаги категориал белгилари асосида ўзгариши мумкин. Булар сон, эгалик, келишик категорияларидир. Бу ҳодисаларга юқорида алоҳида тўхталганмиз. Шунингдек, айрим олимлар отлардан аниқлик ва мавҳумликни ҳам категориал белгига киритадилар. Отнинг ноаниқлиги **бир** сўз ёрдамида кўпчилик туркий тилларда ифодаланса, чувашчада *пер* сўзи билан берилади. Аниқлик ҳолати эса эгалик кўрсатгичлари *(манин бодунум)* ва воситасиз тўлдирувчи (чувашча: *кенекене пар—ка* (китобни бер—чи) ёки қаратқич аниқловчи воситасида ифодаланади. Рус тилида отлар жонли—жонсиз тарзида фарқланса, туркий тилларда бу ҳолат киши номлари ва ҳайвонот номлари тарзида ажратилади. Туркий ва олтой тилларида жинс ва жонли нарсаларини лексик ва грамматик усулда ифодаланиши ўзига хосдир.

Олмошлар айрим туркий тилларда ва олтой тилларида бир—бирига тўла мос келмайди. Қадимги туркий тилда кўпгина олмош турлари фарқланмаган ёки умуман бўлмаган, уларнинг вазифасини айрим феъл шакллари, кўмакчи, юкламалар бажарганлиги маълум. Олмошларда махсус сўз ясовчи қўшимчалар йўқ. Туркий тилларда олмошлар эгалик қўшимчалари ва феълнинг шахс—сон қўшимчалари билан генетик алоқада бўлганлигини қадимги тил материаллари тасдиқлайди. Барча туркий тилларда олмошлар ягона турланиш тизимига эга. Аммо айрим кишилик олмошлари ва турланган кўрсатиш олмошлари билан туб ўзак қурилишида жиддий фарқлар кузатилади: (чувашча: *эпе* (мен),*мана* (менга), *вал* (у)—*ана* (унга) каби.

Туркий тилларда олмошларнинг 7 та маъно тури ўз функционал белгиларига эга. Булар орасида чуваш тили олмошлари анча фарқлидир.

Сон туркумига кирувчи сўзлар туркий тилларда фин—угор тилларига нисбатан қадимдан анча тараққий этган.Чуваш тилидаги ўнлик саноқ сўзларида қўшимча равишда *ъ* ва *и* унлилари ҳам параллел қўллана олади (олти: *улт ва улдъ).* Мавҳум сонларни ҳосил қилишда ҳам чуваш тилида ундошлар геминацияси асос бўлади (*ике чьн*(икки киши),*икке*(икки, "2"рақами).

Туркий тилларда қўшимча ва таркибли сонларнинг асосий моделлари асосан олдиндан орқага қараб ясалади ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқилади, шу билан бирга қадимги туркий ва уйғур тилда орқадан олдинга (*23—ўч іғьма*), қирғиз шевасида (*39—бир кам қирқ)* бошқача бўлиши учрайди.

Сон гурларининг ҳосил бўлишича турли формантлар иштирок этадики, уларнинг таҳлили бу шаклларнинг боботил давридан кейин пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Феъл туркий тилларда грамматик категорияларнинг бойлиги билан асосий ўрнини эгаллайди. Кўшлаб феъл шакллари грамматик (сўз ўзгартирувчи) ва лексик (сўз ясовчи) маъноларнинг бирикувидан ташкил топган. Қадимги туркий тилда от ва феъл белгилари дифференциялашган ҳаракат номи шакллари мавжуд бўлган. Туркий тилларда асосий грамматик оппозициялар ўзаро қўшилиб кетган, булар икки ҳолатдадир:

1. феъл билан от, ташқи белгисига кўра бир—бирига зид қўйиладиган бош келишик ва буйруқ майлининг бирлик, 2—шахси;

2. феъл ичида, аниқлик майли билан буйруқ майлини зид қўйиш орқали.

Феълнинг тусланиш шакли туркий тилларда эгалик ва кишилик олмошлари билан бирга қўлланиш хусусиятига эга. Феъл замонларида семантик—функционал хусусиятларнинг турлича бўлиши, моделлари билан фарқланиши қадимги тилда бу элементларнинг кўп бўлганлигидан далолат беради, бу далиллар чуваш тилининг феъл шаклларида сақланиб қолган (масалан, келаси замоннинг—**ар** шакли чуваш тилида йўқ, унда феъл ўзаги —**ачак||—лък** мавжуд. Феълнинг ноаниқ шакли туркий тилларда —**моқ**, —**ас**, —**ьрға**, —**ғаль** элементлари орқали, чувашчада эса—**машкан** қўшимчаси орқали ҳосил қилинади).

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР :

1.Туркий тилларда сўз туркумларини ажратишда қандай белгиларига асосланилади?

2.От туркумига оид сўзларнинг асосий категориал белгилари нималардан иборат?

3.Отлардаги аниқлик ва мавҳумлик белгиларини мисоллар билан фарклаб беринг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4.Олтой ва туркий тилларда олмошлар кайси хусусиятлари билан фаркланади?
5.Чуваш тилидаги олмошларнинг асосий белгиларини бошқа туркий тилларга солиштириб асосланг.
6.Ўнлик санок сўзларнинг реконструкциясини изоҳлаб беринг.
7.От ва феъл белгиларидаги яқинлик ва оппозиция нималарда намоён бўлади?

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Имя. – Л. Наука, 1981.
2. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Глагол. – Л. Наука, 1981.
3. Левитинская Л.С. Историческая морфология чувашского языка. – М, 1976.
4. Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. – М, Наука, 1986.
5. Баскаков Н.А. Историко – типологическая морфология тюркских языков. – М. Наука, 1979.
6. Х.Н.Неъматов. Историческая морфология узбекского языка XIV – XV веков. – Т.Фан, 1988.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ЭГАЛИК ВА СОН КАТЕГОРИЯЛАРИ

Эгалик категорияси кенг маънода қарашлилик маъносининг ифодаланишидир, бу ҳодисанинг туркий тилларда аниқлик ва мавҳумлик маънолари билан боғлиқлиги ҳам бор. Бу категория кўпчилик агглютинатив тилларда, масалан, мўғул, урал, тунгус – манжур, эрон тилларида ҳам учрайди.

Бошқа ишларда эгалик аффикслариии келишик қўшимчалари ва сўз ясовчилар билан боғлашга ҳаракат қилинади (В.М.Насилов, Б.А.Серебренников).

Қадимги
туркий тилда ўзакнинг ҳам унли ёки ундош билан тугашига, ҳам қаттиқ – юмшоқлигига нисбатан эгалик қўшимчалари

www.ziyouz.com kutubxonasi

турли вариантларга эга бўлган. Масалан, бирликда 1 – шахс – *м,–ьм1им , 2–шахс–қ,–ьқ1иг.,3–шахс–|–и, –сь|–си,–ь* шаклларига эга бўлган. Кўпликда 1 – шахс *–бьз|бьз, –ьбьз|–ибиз*, 2 – шахс*–қьз|–гьз|–газ–ьнгиз,–игиз*.

Қадимги туркий тилдаги келишик категориясининг эволюцияси тўғрисидаги фикрларда мунозарали ўринлар бор. Шундай масалалардан бири келишикларнинг кишилик олмошлари билан генетик алоқасидир. Эгалик аффикслариниг айни вақтда шахс ва сон маъноларини ифодалаши уларнинг кишилик олмошлари асосида пайдо бўлишига сабаб бўлган (Э.Фозиловнинг фикрича).

Туркий тилларда қарашлиликнинг ифодаланиш усуллари асосан икки хилдир: эгалик қўшимчалари орқали ва морфологик – синтетик усул билан. Келишик қўшимчаларининг функционал – семантик хусусиятлари турлича, бу ҳолат айрим туркий тилларда ўзига хосликларга эга.

Туркий тилларда ўзакнинг унли ёки ундош билан тугаганлигига қараб эгалик қўшимчаларининг ўз вариантлари мавжуд, сингармонизм тўлароқ сақланган тилларда ўзакларнинг қаттиқ – юмшоқлигига кўра келишик қўшимчаларининг фонетик вариантлари қўлланади. Эгалик категориясининг шакллари қаратқич келишиги билан яқин алоқада бўлгани учун ҳам кўпинча эгалик шаклини олган сўз олдидан қаратқич келишиги шаклидаги сўз қўлланади. Шунга кўра, баъзи олимлар бу ҳодисаларни бир – бирига боғлайдилар. Қадимги боботил даврида қаратқич келишиги ва олд қўшимчаларнинг бўлмаганлиги туркий тилларда эгалик қўшимчаларини вужудга келтирган дейилишига сабаб шудир.

Туркий тилларда эгалик қўшимчалари ва соннинг кўплик шакли қуйидаги умумий хусусиятлар билан ажралиб туради:

1. Бирлик сондаги 1 – шахсда туркий тилларга эгалик қўшимчалари муштаракдир. Шу билан бирга, *–ьм|–им* шаклидаги унли *ъ* ва *у* товушларига айланиши мумкин. Кўпликда эса бу шахснинг *–миз* шакли кўпгина туркий тилларда *–бьз* ,ёқутларда *–бьт|–бит (–агабьт –менинг отам), тува тилида –вьс|–вис* шаклларида қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. 2 – шахс бирлик турк, гагауз, озарбайжон тилларида – ***н, –ин*** шаклида, аммо чуваш тилида бу шакл қадимги ҳолатини сақлаган: ***оғыльғ – ывъл – у*** *(сенинг ўғлинг)*, кўпликда асосан – ***ьгиг*** | – қиз шакли, турк, гагауз, озарбайжон тилида ***–ньз*** | ***–низ***, татар, бошқирд, қумиқ тилларида ***–гьз*** | ***–гиз*** шакли мавжуд. Сибир тилларида анча фарқлидир: чувашчада – ***ър,*** – ***ьр***, ёқутчада ***–гьт, –хьт***, олтой тилида – ***ъгьр, –ьхир*** шаклида учрайди. Бу шакллар қадимий шаклларнинг ўзгариши натижасидир.

3. 3 – шахснинг қадимги вариантлари сақлаб қолинган. Аммо тува, хакас, шор тиллари ***–си > зи*** га ўтган: *кимези (кемаси)*, бошқирд тилида ***–ҳи:*** *отаҳи (отаси)*. Олимлар ***–си*** шаклининг ажратиш маъноси борлигини таъкидлаб, келиб чиқишини шу билан асослайдилар.

4. Туркий тилларда ҳам қадимги, ҳам ҳозирги тараққиёт босқичида нарсаларнинг кўплиги – ***лар*** | ***–лер*** қўшимчаси орқали ифодаланади. Аммо чуваш тилида бундай қўшимча йўқ. Бунинг асоси шундаки, қадимги туркий қабилаларда кўплик сон тасаввури бошқача бўлган.

Шунга кўра, туркий тилларда грамматик сон категорияси шаклларини бошқача ифодалаш ҳам мумкин. А.Н.Кононов шу нуқтаи назардан туркий тилларда сон категорияси бирлик ва кўплик шаклларига эга эмас, дейди. Қадимда ***–лар*** қўшимчасини олмаган сўз умумлашган нарса номини билдириб, нутқий вазият ёки матнга қараб якка нарсани ёки унинг йиғиндисини билдирган *(от сўзи)*.

Қадимги турклар тасаввурида кўплик жамлаш, йиғиш, тўда маъносида ифодаланган. Шунинг учун унинг кўрсатгичлари нисбатан кўп бўлган.

Туркий тилларда унлилар барқарор бўлмагани учун боботил даврида жамликни билдирувчи кўрсаттичлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ***л, м, р, с, ч, ш з, к (қ)*** – ундошлари. (Масалан: *икьз, мўғуз, қумақ, отлақ (отлар)*, *учем, учегун, атақар, жўлдашзе* (ўртоқлар), *адаш* (ота боболари билан – тува тилида).

Ҳозирги туркий тилларда ***–лар*** қўшимчасининг функционал – семантик вазифалари кенгайган. Флектив тиллардан фарқли тарзда отга эмас, барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади (равиш ва феъл шакллари мустасно). Айрим олимлар кишилик олмошларида грамматик сон

www.ziyouz.com kutubxonasi

лексик йўл билан ҳосил қилинганини айтадилар (*—би||—ми,— си,—н,—з, биз, мен, сиз, сен* каби).

Кўплик шаклининг синтактик усулда ифодаланиши туркий ёдномаларда сўзларнинг такрор қўлланишида ҳам кўринади, кейинроқ сон билан отнинг бирикиши орқали ифодалашга ўтилган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркологик тадқиқотларда эгалик категориясининг маънолари хусусида кандай қарашлар мавжуд?
2. Эгалик кўшимчаларининг қадимги вариантлари кандай хусусиятга эга бўлган? Мисоллар билан тушунтиринг.
3. II –шахс эгалик қўшимчаларидаги фарқларни шарқий ва ғарбий туркий тиллар мисолида изоҳланг.
4. Сон категорияси ифодасидаги қадимий ва ҳозирги шаклларни тавсифланг.
5. Туркий тилларнинг дастлабки даврларида жамлик маъноси қайси кўрсатгичлар билан ифодаланган?
6.Ҳозирги туркий тиллардаги эгалик қўшимчаларининг қиёсий тавсифини кўрсатувчи жадвал тузинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюязыков. Имп—Л., Наука, 1981.
2. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка.—М.—Л., 1956.
3. Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно—историческая грамматика тюркских языков.—М., 1986.

4. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш.—Т.Ўқитувчи, 1984.
5. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси.—Т.Ўқитувчи, 1990.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА КЕЛИШИКЛАР ТИЗИМИ

Туркий тилларнинг материали тарихий жиҳатдан туркий келишик тизимининг икки кўринишини белгилаш имкониятини беради. Биринчиси, нисбатан қадимий бўлиб, боботил даврига хосдир. Иккинчиси, нисбатан кейинроқ, яъни асос тил даврининг сўнгги босқичларида пайдо бўлган деб қаралади. Олимлар қадимги туркий тилдаги келишиклар сони ҳақида турлича фикр билдирадилар: В.В.Радлов 8 та, И.А. Батманов 6 та, В.И.Насилов 7 та келишик мавжудлигини таъкидлайди.

Қадимги туркий тилда келишикларнинг ишлатилишига хос хусусиятлар қуйидагичадир:

- ҳозирда морфемаларга ажралмайдиган сўзлар таркибида келишиклар бўлган (*ичра, ташқари* каби);
- бир ўзакка икки келишик қўшила олган (*меншиҷа, илгару* каби);
- сўз ўзагининг қаттиқ—юмшоқлигига қараб келишиклар ҳам ҳар хил фонетик вариантларда қўшилган;

*келишик қўшимчасини олган сўз баъзан фонетик ўзгаришга учраган *(ана, эларнин)*.

Қадимги келишик шакллари айрим сўзлар таркибида қотиб қолган ҳолда ҳозир ҳам учрайди. Айрим туркий тилларнинг кишилик олмошлари турланишида бу шакллар ҳозирги тилда келишик қўшимчаси сифатида сақланган. Масалан, қозоқ, қорақалпоқ, хакас, қирғиз тилларида бошқа ҳолатларнинг барчасида жўналиш келишиги —га шаклида бўлса—да, кишилик олмошларида *маға, саған, оған* кўринишида ишлатилади.

Қадимги ёдгорликларда восита келишиги мавжуд бўлган, шунинг учун ҳам ҳозирда бу —ын,—ин қўшимчаси иштирок этган сўзлар учрайди (очин—тўқин, ёзин—қишин).

Таъкидлаш жоизки, қадимги туркий тилда макон маъносини ифода этувчи шакллар кенг тарқалган бўлган, сўнгра тараққиёт жараёнида бу шакллар миқдор жиҳатидан меъёрлашиб камайган.

Туркий тиллардаги барча гуруҳдаги сўзлар ягона типдаги турланишга эга, бирлик ва кўплиги ҳамда морфологик вариантларига кўра фарқланувчи хусусият йўқ, яъни ҳар бир келишикнинг битта аффикси бўлади, қайси сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлик ёки кўплик шаклида бўлишидан қатъи назар, келишик қўшимчалари бир хил кўринишга эга.

Ҳозирги туркий тилларда келишиклар миқдор жиҳатидан унчалик фарқ қилмайди. Татар, гагауз, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ тилларида 6та, қозоқ тилида 7 та, хакас ва чуваш тилида 8 та, ёқут тилида 9 та, турк тилида ҳам ҳозир 9 та келишик фарқланади.

Келишиклар сонидаги ортиқлик аслида кейинги даврда кўмакчи ва бошқа тил унсурларининг вазифалари кенгайганлиги туфайли пайдо бўлган дейиш мумкин.

Туркий тиллардаги келишикларнинг яна бир хусусияти муайян бир келишикнинг (асосан қаратқич ва тушум) белгисиз, яъни келишик қўшимчаси тушириб қолдирилган тарзда қўллана олишидир.

Айрим туркий тилларда келишик қўшимчалари сўзнинг унли ёки ундош билан тугашига кўра фарқли кўринишда (фонетик вариантда) қўлланса (масалан, қирғиз тилида тушум келишиги унлидан сўнг **-ни**, ундошдан сўнг **-ди** шаклида, жўналиш келишиги эса унлидан сўнг **-га, -ға, -го**, ундошдан кейин **-ка, -ко, -ке, -кў** вариантларида қўлланади), бошқаларида ўзакнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги ҳам эътиборга олинмайди (масалан, озарбайжон, қирғиз, уйғур, татар, қозоқ, бошқирд).

Бошқирд тилида сўз ўзаги **р, в, й, з** товушлари билан тугаса, келишик қўшимчаси албатта **з** товуши билан бошланади: **-зин** (**-нинг**), **-за** (**-га**).

Турк тилида тушум келишигининг қўлланиши ўзига хос. У асосан икки шаклга эга: **-и** ва **-ни**. Агар **-и** шакли унли билан тугаган сўзга қўшилса, **-й** товуши орттирилади: *одайи* (хонани). *Бу, шу* олмошларига эса **-ни** шаклида қўшилади: *буну, шуну* каби. Шунингдек, унли билан тугаган сўзларда бир **-й** товушининг қўшилиши бошқа айрим келишик қўшимчаларига ҳам хос: *су-й-а* (сувга), *не-й-ин* (ниманинг)) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Қадимги туркий тилдаги келишиклар тизимини шарҳлаб беринг.
2. Восита ва макон маъносини ифодалаган келишик шаклларини эволюциясини айтиб беринг.
3. Туркий тилларда келишикларнинг миқдор жиҳатдан якинлигига сабаб нимада?
4. Келишикларнинг асосий типологик белгилари нималарда намоён бўлади?
5. Қайси туркий тилларда келишик кўшимчаларининг фонетик вариантлари мавжуд?
6. Ҳозирги туркий тилларда келишик қўшимчаларининг имлоси билан боғлик кандай хусусиятлар бор?
7. Қайси воситалар туркий тилларда келишик кўшимчалари билан маънодошлик муносабатига кириша олади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил. – Т.Ўқитувчи. – Т.,1989.
2. Очерки сравнительной морфологии алтайских языков. – Л., Наука,1978.
3. Тюркские языки. – М. Наука, 1985.
4. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Имя. – Л. Наука, 1981.
5. Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. – М., 1986.
6. Banguoglu T. Türkçenin Grameri,TDK,-Ankara,1990
7. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.:,-Л.:, Наука,1988
8.Türk Lehçeleri Sözlügü. 1 – jild, TDK.-Ankara, 1993

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОЗИРГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА КЕЛИШИК ШАКЛЛАРИ ТИЗИМИ

	Келишиклар	Ўзбек тилида	Турк тилида	Қозоқ тилида	Татар тилида	Уйғур тилида	Туркман тилида	Қирғиз тилида
1.	Бош	-	–	–	–	–	–	–
2.	Қаратқич	(ning (– nin)	– in , – in – un , – un	– nın, nin	– nın , – nin	– in – nin	– in , – in – un, – un	– nin, – nin – nun, – nun (din, – tun)
4.	Жўналиш	(– ga, – ka, – qa)	– e , – a, – a (– y)	– ga , – ge – ka , – ke	– ga , – ga – ka , – ka – a , – a(– n)	– ga, – ga – ka . – ka	– a „ – e – a , – a – na , – ne	– ga, – ge – go , – go – ka, – ke – ko , – ko (– na , – ne – no, – no
3.	Тушум	(– ni)	– i , – i – u , u (– y)	– ni , ni – di , – dl – ti , – tl	– ni , – ni	– nl	– I , – i	– ni , – ni – nu, – nu – di, – di – du, – du – ti , – ti – tu, – tu
5.	Ўрин – пайт	(– da)	– de , – da – da – te , – ta – ta	– da , – de – ta , – te (– n)	– da, – da – ta , – ta (– n)	– da , – da – ta , – ta	– da , – de (– n)	– da , – de – do, – do – ta, – te – to , – to (– n)
6.	Чиқиш	– dan	– don , – dan – dan – ten , – tan – tan	– dan , – dan – tan , – ten	– dan, – dan – tan , – tan (– nan , – nan) (– n)	– din – tin	– don, – den (– n)	– dan , – den – don, – don – tan , – ten – ton , – ton

Изоҳ: Унли билан тугайдиган сўзларга эгалик қўшимчасидан олдин қўшиладиган ҳарф +(плюс) ишораси билан қавсда кўрсатилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ОЛМОШЛАР

Маълумки, олмошлар келиб чиқиши, тарихийлик даражаси ва маъносига кўра туркий тилларда икки катта гуруҳга ажратилади:

1. Олмошлар(кишилик, кўрсатиш ва сўроқ олмошлари).
2. Олмош сўзлар(белгилаш, бўлишсизлик, гумон ва жамлаш олмошлари).

Бундай гуруҳлантиришнинг асосий сабаби уларнинг келишик қўшимчалари билан турланишидаги ўзига хосликка асосланади. Хусусан, шахс маъносидаги 1—гуруҳ олмошларининг турланиши шахс маъносини ифодалайдиган олмошларникидан сезиларли даражада фарқланади.Н.Н Поппе бу ҳодисанинг мўғул тилига ҳам хослигини таъкидлаган.

Кўрсатиш олмошлари. Туркий тилларда кўрсатиш олмошлари воситали келишиклар билан турланганда турлича фонетик кўринишларни олади.

Кўпчилик туркологлар (Кононов, Банг, Серебренников ва бошқалар) дастлабки қадимий вариантдаги кўрсатиш олмошларида **«н»** товуши бўлмаганлигини таъкидлайдилар. Кўрсатиш олмошларининг фонологик тузилмасидаги ўзгаришларнинг моҳияти тил фактларининг ареал тадқиқи орқалигина ойдинлаштириши мумкин.

«Бу» олмоши айрим туркий тилларда **«м»** товуши билан алмашади. Бу ҳолат воситали келишиклар билан турланган олмошларда юз беради. Ўзбек, турк, татар, туркман, олтой тилларида кўрсатиш олмошларининг бош келишик шакли **«б»** товуши иштирокида шаклланса, ноғай, шор, туркман, татар тилларида воситали келишик шакллари **«м»** билан алмашади: ноғайчада *мунън(бунинг)*, шор тилида *мўнда(бунда)*, туркман тилида *муна(бунга)*, татар тилида *мони(буни)* каби.

Барча туркий тилларда **бу, шу, у** олмошлари воситали келишиклар билан қўлланганда ўзакда бир **«н»** товуши орттирилади. Ҳатто айрим тилларда шу асосда олмош таркибидаги унли товуш ўзгаришга учрайди. Масалан, турк тилида *шунан(шунинг)*, туркман тилида *ол—она(у—унга)*, татар тилида *ул—анъ(у—уни; аннан(ундан)* каби. Бу хусусият ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилларда сўз ўзагидаги унлининг қатъий эканлигини кўрсатади.

Айрим туркий тилларда **те(э), ту** ўзаги асосида кўрсатиш олмошлари ясалган. **«Ана у»** олмоши ўрнига қирғизчада **—те:,** туркчада **дэ шу,** олтойчада **ту ол,** гагаузчада **тэ бу** сўзлари қўлланилади.

Сўроқ олмошлари. Туркий тиллар сўроқ олмошлари фонетик вариантларига кўра бир—бирига яқин бўлса—да, морфемик тузилиши ва маънолари жиҳатдан бирмунча фарқ қилади. Тарихий тараққиёт давомида бошқа сўзлар каби сўроқ олмошларида ҳам асосан унли товуш ўзгарганлигини кузатиш мумкин.

«Ким» олмоши Ўрхун—Энасой ёдгорлигида **кэм,** қадимги турк тилида **ким** кўринишида учрайди. **Кэм** шакли олтой тилида сақланиб қолган. Бошқа туркий тилларда **ким** олмоши ўзакдаги унлининг узун—қисқа ва қаттиқ—юмшоқлиги билан ўзаро фарқланади. Масалан, қирғиз, туркман, қумиқ, турк, озарбайжон, ёқут тилларида **ким,** татар, қозоқ, ноғой, уйғур, бошқирд тилларида **кім** шаклида ишлатилади. Чуваш тилида эса **кэм** сўроқ олмоши қўлланади. Ушбу далиллар боботурк даврида **ким** ва **кэм** шева шакллари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

«Нима» сўроқ олмоши кўпчилик туркий тилларда **нэ(не, ни)** кўринишидадир. Масалан, озарбайжончада **нэ,** қозоқ, қумиқ, ноғай, турк тилларида **не** шаклида қўлланади. Туркман**(неме),** ўзбек**(нима),** уйғур**(нимэ),** хакас**(ниме)** тилларида эса икки бўғинли шаклда мавжуд. Бу олмош ўзагидаги қайси унли илк даврга хослигини аниқлаш қийин. Кўпчилик олимлар **«э»** унлиси дастлаб мавжуд бўлиб, кейинчалик **«е»** га айланганлигини таъкидлайдилар. Ф.Исҳоқов чуваш тилида бу олмош **мън** шаклида учрашига асосланиб, кўпчилик туркий тилларда **нэ** олмоши такрорланиб, қаватланиб қўлланганлигини кўрсатади(олтойча **нэ—ме,** бошқирдча **нэ—мэ,** уйғурча **ни—мэ** каби). Унинг фикрича, айрим тилларда икки олмош негизнинг қўшилганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, қирғизча **эмне — э(не—м(—ме)—не** (қиёсланг, қозоқча **немене**) ва татар тилидаги **нэрсэ? — не—эрса?** бирикувидан ҳосил бўлган деган қараш мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нарса—воқеанинг номаълум белгисини ифодаловчи **қандай?** сўроқ олмоши ҳам икки сўзнинг, яъни **қан** ва **тағ** бирикувидан ҳосил бўлганлиги тахмин қилинади. Бу олмош қипчоқ шеваларида **қандай?**, олтойчада **қандўй?** ёқут тилида эса **ханнўк** — **қандўғ** шаклида қўлланади. **Қалай?** олмошининг таркиби ҳам **қан** асосига **—лай** қўшимчасини, **қайси?** сўроғи эса **—сў** аффиксининг **қай** ўзагига қўшилишидан ҳосил бўлганлиги турли манбаларда таъкидланади.

Масалан, татарчада *қойсъ*, бошқирдчада *қайсъ*, қирғиз, қумиқва уйғурчада *қаисў*, хакасчада *хаізў* каби.

Айрим туркий тилларда шундай маънони ифодалашда **нэ, ни** олмошлари қатнашади: *нечшк*(қумиқ), *нечэ*, *не жур*(озарбайжон),*ничик,нинен*(туркман),*нисек*(бошқирд).Турк тилида бу олмошлар ўрнида *ҳанги?* сўроғи ишлатилади.

Таъкидлаш жоизки, туркий тилларнинг сўнгги даврдаги тараққиётида тарихий шакллар янги шакллар билан уйғунлашганлиги олмошларнинг ҳосил бўлишида ҳам кўзга ташланади. Бу ҳолат ҳам туркий тилларда аналитик бирикмаларнинг фаоллигини кўрсатади. Қиёсланг:*на—на,на—ра—йа*(озарбайжонча),*не—ре—йе*(туркча),*ни—рэ,ни—рек*(туркманча),*хаі—д—ар*(хакасча), *қаі жаққа?*(қозоқча), *қаі эргэ*(уйғурча) каби.

Кўриниб турибдики, сўроқ олмошларининг асосий қисми туркий тилларда **қай** ёки **қаі** сўзлари асосига турли қўшимчалар ёки қадимги тилда от маъносини ифодалаган сўзлар қўшилувидан ҳосил бўлган. Бу фикрни **қанча? қачон?** олмошлари мисолида ҳам асослаш мумкин. Ўғуз шеваларида бундай олмошлар **нэ, ни** сўзларининг турли кўринишларига эга.

Масалан,*негэ*(қумиқ,озарбайжон),*неше*(ноғай),*нишэ*(татар), *нисэ*(бошқирд) каби.

Турк ва туркман тилларида воситали келишик қўшимчалари орқали ҳосил бўладиган сўроқ олмошларида **не** сўзидан сўнг **—ре** орттирилади. Қаранг: *не—ре—ден*(турк), *ни—ре—ден*(туркман) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР·

1. Олмошларнинг қадимги ва ҳозирги маъно турларини киёсланг.
2. Кишилик олмошларининг турли туркий тиллардаги парадигмасини тавсифланг.
3. Сўроқ олмошларининг муштарак семантик – функционал белгилари нималарда кўринади?
4. Муштарак олмошларнинг генезисини изоҳланг.
5. Олмошларнинг фонетик вариантларидаги фарқларнинг сабаблари нимада?
6. Олмошларнинг эгалик шакллари билан қўлланишидаги ўзига хослик қайси туркий тилларда яққол намоён бўлади?
7. Туркий тиллардаги олмошларнинг маъно турларини қиёслаб жадвал тузинг.
8. Кишилик ва сўроқ олмошларининг ўзагида рўй берадиган ўзгаришларни тавсифланг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Türk Lehçeleri Sozluğü. 1 – jild, TDK.-Ankara, 1993
2. Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. – М., 1986.
3. Banguoğlu T. Türkçenin Grameri,TDK,-Ankara,1990
4. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.:,-Л.:, Наука,1988
5. И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш. – Т.1984.
6. Х.Н.Неъматов. Историческая морфология узбекского языка XIV – XV веков. – Т.Фан, 1988.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА СИФАТ

Баъзи туркологлар туркий боботилда сифатнинг мустақил сўз туркуми бўлганлигига шубҳа билан қарашади. "Туркий боботилда сифатлар махсус морфологик кўрсаткичга эга бўлмаганлар, уларнинг мустақил лексик – грамматик разряд тур сифатида мавжуд бўлганлиги ҳам шубҳа уйғотади" (Шербак А.М., 1977, 108 – бет). Унинг фикрига кўра, сифатлар отларнинг семантик – функционал тараққиёти натижасида ёки ўзга морфологик тизим (қурилиш) асосида пайдо бўлган(келиб чиққандир). (ЩербакА.М., 1977, 109 – бет).

Афсуски, бундай мезон тилшуносларимиз орасида кенг тарқалган нуқтаи назарга мосдир. Агар морфологик кўрсаткич бўлмаса, сўз туркуми ҳам йўқ.

Сифатлар кишилар онгида предметларнинг белги ва хусусиятларини ажратишга асосланган лексик – функционал тур(разряд) бўлиб, дунёнинг барча тилларида мавжуддир. Туркий тиллардаги кўпгина қўшимчалар жуда қадимий бўлиб, туркий боботил давридан буён қўлланилади.

Туркий тилларда сифатларни икки ката гуруҳга ажратиш мумкин: 1) туб сифатлар, 2_ ясама сифатлар.

Туб сифатларни қисмларга ажратиб бўлмайди. Бундай сифатлар у қадар кўп эмас:

қара – қора: туркчада *кара*, қўмикчада *қара*, нўғай тилида *қара*, қозоқ тилида *қара*, қирғизчада *қара*, озарбайжончада *гара*, татар тилида *қара*, чуваш тилида *хура*.

ақ – оқ: турк тилида *ак*, қўмикчада *ақ*, нўғайчада *ак*, қозоқчада *ақ*, қирғиз тилида *ақ*, қорақалпоқ тилида *ақ*, татар тилида *ақ*, бошқирд тилида *ақ*.

уапі – янги: нўғай тилида *уапъ*, қўмик тилида *іанў*, қорақалпоқ тилида *жана*, қозоқ тилида *жана*, уйғур тилида *іени*, озарбайжон тилида *уени*.

бош – бўш: қўмикчада *бош*, туркчада *баш*, озарбайжончада *баш*, туркман тилида *бош*, уйғурчада *бош*, қозоқчада *бас*, қорақалпоқчада *бас*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ясама сифатлар сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади. Масалан, татар тилида *кёш*—куч сўзига —***лі*** қўшимчасини қўшиш орқали ***кёшлі***—кучли сифатини ясаш мумкин, жанжал, уруш маъноларини англатувчи *суғыш* сўзига —**шан** қўшимчасини қўшиш орқали ***суғышан***— уришқоқ, жанжалкаш сифатини ҳосил қилиш мумкин.

Туркий тилларда сифатларнинг қўлланишида маълум чекланишлар бор. Бунга сабаб шуки, сифатли бирикмада илк унсур сифат маъносига эга бўлгани ҳолда, от шаклида қолади: татар тилида ***къш ъіась***— куш уяси(ини), ***телкі мех***— тулки мўйнаси, турк тилида ***demir yol*** — темир йўл, қўмиқ тилида ***гумуш сағат*** — кумуш соат каби.

Сифатларда даража шакллари. Н.К.Дмитриев туркий тилларда икки хил даражаланиш мавжудлигини таъкидлайди.Биринчиси,мавҳум қиёслаш бўлиб,бунда аниқ нарсалар бир—бири билан солиштирилмайди, балки назарий жиҳатдан мўлжалланган меъъёрга кўра баҳоланади.Масалан: *сариқ— сарғиш,сарғиш; кўк— кўкиш, кўкшил* каби. Туркий тилларда бу шакллар турли фонетик вариантларда кенг қўлланилади.Иккинчисида, белги даражаси аниқ нарсаларни қиёслашдан келиб чиқади.Масалан: *пўлат темирдан мустаҳкам, Анвар Азиздан узунроқ* каби.

Белгини **мавҳум** қиёслаш шаклларига озайтириш ва кучайтириш қўшимчалари киритилади.Туркий тилларда белгининг кучсизлигини ифодаловчи қўшимчалар жуда фаол қўлланади. Масалан: озарбайжон тилида *узунсов* (узунроқ), туркманча *йахшича*(яхшигина),қозоқча *кўкшъл* (кўкиш), татарча *алсу* (қизғиш), қирғизча *кирчилт* (кирроқ) каби.

Аммо белгини кучайтирувчи қўшимчалар нисбатан оз: туркча *кожаман* (улкан,каттароқ).

Белги даражасининг кучли, ортиқлиги туркий тилларда асосан аналитик ва синтетик усулларда ифодаланади.Белгини кучайтирувчи сўз шаклларининг кўпчилиги туркий тилларда ўзаро мос келади.Масалан, озарбайжон тилида *эн кичик*, қирғизча *енг ырақ* , туркча *ен буйук* , туркманчада *енг кичи* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу билан бирга айрим туркий тилларда белги кучайтирувчи ўзига хос сўзлар ҳам мавжуд: кумик тилида *бек иссй(* жуда иссик), озарбайжончада *чох буйук*, олтойча *суружей куч (*жуда кучли*)*, бошкурдчада *бигрэк йамла(*ўта ёқимли*)* каби.

Белги – хусусиятни кучайтиришнинг синтетик усули тарихан сифатларни такрор қўллашдан бошланган ва кейинги тараккиёт боскичида редупликация йўли билан ҳосил қилинган.Қаранг: *қора - қора > қоп – қора , оқ – оқ > оппоқ* каби.Сифат сўзнинг бош бўғини такрорлиниб , унга " п " ундошини қўшиш орқали белги даражасининг кучайтирилиши туркий тилларнинг аксариятида бир - бирига мос келади.Масалан: чуваш тилида *сап – сары* , ёқутчада *қып – қиҳыл* , нўғайчада *йап – йасъл* , татар тилида *ка'п – қа'ра* каби.

Ҳозирги туркий тилларда белгини аник киёслаш бирор нарса белгисини шу тур, жинсдан бошка нарсанинг белгисига чиқиш келишиги ёрдамида қиёслаш орқали амалга оширилади.Масалан: *денгиз кўлден уллу(* қумиқчада), *китеп дептерден қалын* (кирғизчада) каби.Айрим туркий тилларда бу усулда киёслаш махсус - (и) рақ қўшимчаси орқали ҳосил қилинади.Ушбу қўшимчанинг белги- хусусиятни кучайтириш вазифаси кўпчилик олимлар томонмдан асосланган бўлса-да, ўрни билан бу шакл белги даражасини озайтириши ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳозиргача бу қўшимчанинг полифунционаллиги хусусида аник тўхтамга келинмаган.Масалан: қозокча *кичирэк*, татарча *дуррақ*, нўғайча *қатырақ*, бошқурдча *эсырэк* (нордонрок) каби.Хакас, шор, тува тилларида бу қўшимчанинг нисбатан қадимий шакли учрайди.Бу шакл « озгина" маъносини ифодаловчи юклама сифатида хакас тилида *арах*, шор ва тува тилларида *а:рақ* фонетик вариантларида қўлланади: хаказ тилида *хузул арах* (қизилрок), *кисиг арах* (кичикрок), тува тилида *кўк а:рақ* (кўкрок), *чўлтақ а:рақ* (кискарок) каби.Бошка туркий тилларда *урақ, арақ , ўрик, ерик, ра: к, рек* вариантларида ишлатилади.Масалан: озарбайжон тилида *ку"д'рак* (кискарок), олтойчада *к"д"рік* (кўкрок), *ақаруқ*(окрок), нўғай тилида *қузулурақ* (кизилрок), кумикчада *тенгрек* (тенгрок), туркман тилида *овнудрақ* (майдарок) каби.

Таъкидлаш лозимки, қадимги умумтуркий от сўзларда белги – хусусият маъносининг йўколиб бориши бу сўзларнинг семантик – функционал имкониятлари кенгайганлигига боғдиқдир.Бу ҳолатни қуйидаги сўз мисолида таҳлил этиш мумкин. "Ёмон" сўзи олтой тилида *дъаман* шаклида ишлатилиб, «зулм", "бахтсизлик"(1),

www.ziyouz.com kutubxonasi

“ахмоқ”, “ёмон”(2), “ёмон кўрмок”(*дъаман к°р*) (3) маъноларида қўлланади.Қоракалпок тилида “ёмон” семасидан ташқари “зулмкор”, “хавфли”, “танг” маънолари ҳам қайд этилган. Туркий тилларнинг деярли барчасида турли фонетик вариантларда қўлланилиб, «ёмон”, “зулмкор”, “хавфли”, “жуда кучли” маъноларида ишлатилган. Демак, мавҳум от сифатида «ёмон” сўзи кейинги тараққиёт боскичларида белги – хусусият ифодаси сифатида мустаҳкамланиб борган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР :

1. Туркий тилларда сифатларнинг типологик белгилари сифатида қандай хусусиятлар таърифланади?
2. Сифатлар қайси хусусиятига кўра икки гуруҳга ажратилади?
3. Туркий тиллардаги туб сифатлар қандай муштарак ва фаркли фонетик , семантик белгиларга эга?
4. Ясама сифатларни ҳосил қилишда қайси усуллар фаол саналади?
5. Туркологияда сифат даражалари хусусида қандай қарашлар мавжуд?
6. Н.К.Дмитрев белгини киёслашнинг қандай шаклларини ажратган, буни мисоллар билан изоҳланг.
7. Нима учун кўпгина умумтуркий от сўзлар маъно тараққиёти давомида сифатларга кўчганлигини тушунтиринг.

АДАБИЁТЛАР:

1.Б.А.Серебренников,Н.З.Гаджиева.Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. – М., 1986.
2. Banguoğlu T. Turkçenin Grameri,TDK,-Ankara,1990
3.Türk Lehçeleri Sözlugü. 1 – jild, TDK.-Ankara, 1993
4. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.:,-Л.:, Наука,1988
5.И.Қўчқортоев, Б.Исабеков. Туркий филологияга кириш. – Т.1984.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР

Туркий тилларда қўшма феълларнинг кўпгина қисмини ***қилмоқ, этмоқ, айламоқ, бўлмоқ***(ўзбек тилида), ***etmek, yaptmak, kilmak, eylemek, olmak*** (турк тилида) феълларининг феъл бўлмаган сўз билан бирикишидан ҳорсил бўлган қўшма феъллар ташкил этади.

Ўзбек тилида от + феъл типидаги қўшма феъллар ўзларига хос хусусиятлар билан бошқа туркумга оид қўшма сўзлардан фарқланади. От + феъл типидаги бундай бирикувларга баъзилар сўз ясаш ҳодисаси сифатида қарамай, уларни сўз бирикмаси қаторига киритишади, бошқалари эса сўз ясаш ҳодисаси сифатида қараб, қўшма феъллар қаторига киритадилар. Бу иккала фикрда ҳам жон бор. Турк тилида эса юқорида айтиб ўтганимиздек, қўшма феъллар сўз бирикмаси сифатида ўрганилади.

А.А. Юлдашев «Туркий қўшма сўзларнинг тавсифига доир» номли мақоласида бу типдаги бирикувларни қўшма феъл (қўшма сўз)лик белгилари сифатида уларнинг гапда бир бўлак вазифасида келиши, бир бутун ҳолда бир маъно ифодалаши ва бошқа хусусиятларини кўрсатади. Булар бир тушунчани ифодалайди ва гапда бир бўлак вазифасида келади.Бизнингча, фақат шу белгиларнинг ўзиёқ тўла маънода феълнинг бундай бирикмаларини қўшма сўзлар қаторига киритишга имкон бермайди.

Ўзбек тилшунос олими Н.Маматов қўшма феъл ясашда актив иштирок этадиган ***бўл, қил, эт, айла*** феълларини аффиксоидлар, яъни аффикс функциясини бажариб, эргаш морфемага яқинлаша бошлаган бўлса ҳам ҳали аффиксга айланиб етмаган элементлар деб қарайди ва булар қаторига ***ризо бўлмоқ, тасдиқ қилмоқ, баён айламоқ, бажо этмоқ*** каби қўшма феълларни киритади.

Отларга қўшилиб феъл ясовчи **бўлмоқ, қилмоқ, этмоқ** каби феълларнинг семантик ва функционал жиҳатдан аффиксга яқинлиги ва аффиксоид эканлиги туркологияда кўп таъкидланган. Жумладан, Ф.Р. Байрамов «Аналитические глаголи в письменних памятников азербайджанского язика 13—18 вв.» номли монографиясида, «Ўзбек тили грамматикаси» китобида, Ш.Раҳматуллаевнинг «Орфография қоидалари—саводхонлигимиз асоси»

www.ziyouz.com kutubxonasi

рисоласида, З.И.Будагованинг «К проблеме глагольного словосложения и смежних явлений» китобида ва «Проблеми современний тюркологии» тўпламида бу масалалар батафсил ёритилган.

Академик А.Н.Кононов ***қилмоқ, этмоқ ва айламоқ*** феъллари бир маънони ифодалайди деб ҳисоблайди. ***Этмоқ*** феълини китобий тилда ишлатилади, ***айламоқ*** эса эскириб қолган сўз деб ҳисоблайди.А.Н.Кононовнинг фикрича, ***қилмоқ, этмоқ, бўлмоқ*** ёрдамчи феъллари икки хил вазифани бажаради:

1.Мустақил сўз, яъни ўзининг лексик маъносига эга бўлган феъл.

Масалан: *Собир буюрилган ишни* ***қилибди.***

Мен сенинг хайрли ишинг кечикмасин деб шу ***таклифни қилдим.***

Лайлак келди ёз ***бўлди.***

2.(−ла, −лан) феъл ясовчи аффикс билан вазифа жиҳатидан яқин сўз ясовчи элемент сифатида.

Масалан: *тасдиқ қилмоқ, этмоқ − тасдиқламоқ, тамом қилмоқ, этмоқ− тамомламоқ, соз қилмоқ, этмоқ−созламоқ, обод қилмоқ, этмоқ−ободламоқ; касал бўлмоқ − касалланмоқ каби;*

Турк тилшунос олими Тахсин Банги ўғлининг таъкидлашича, турк тилида ҳам бу феълларда шундай хусусият бор.Масалан:***duz etmek−duzlemek; sira olmak−siralanmak; temiz etmek−temizlemek*** каби.Бу ҳолатлар ўзбек ва турк тилларининг лексик ва грамматик тараққиётида муштараклик мавжудлигини кўрсатувчи далиллардан ҳисобланади.

Асосан аввалги маъно,яъни *шу ҳолга эга қилиш, шунга келтириш бирор ҳолатни юзага чиқариш* маъноси сақланади. Масалан: *Қози боланинг кўзини* ***кўр қилди.***(Халқ эртагидан).

3. Биринчи элемент сон, умуман, миқдор билдирадиган сўзлардан бўлганда, *шу миқдорга эга қилиш, шунга келтириш* маъноси келиб чиқади.Қаранг: *бой бобо қўйнинг сонини* ***ўн минг қилди,*** *меҳнаткашга жабрини* ***кўп қилди,*** *ўзи ишламай қорнини силаб* ***ётди.***(Халқ эртакларидан) ва бошқалар.

Бу типдаги қўшма феълларнинг биринчи элементи товушга тақлид сўзларидан иборат бўлганида, юқоридаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолат қуйидагича ўзгаради: А) Бундай бирикиш одатда **эт** ёрдамчисининг иштироки билан бўлади. Масалан, ***тақ этди, дўқ этди*** каби; Лекин бу тақлидий сўз жуфт ҳолда келганда **қил** ёрдамчиси қўлланилиши ҳам мумкин: Бу нарса ***дук—дук этди— дук—дук қилди*** каби, аммо ***шапир—шупир қилди*** каби ўринларда одатда **эт** ёрдамчиси эмас, балки **қил** сўзи қўлланади. Б) Бу қўшилиш ўтимсиз феъл ҳосил қилади.Ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг маъновий – вазифавий хусусиятлари таниқли олим Азим Ҳожиевнинг тадқикотларида атрофлича ўрганилган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Туркий тиллардаги ёрдамчи феълларнинг вазифаларини шарҳланг.
2. От ва феъл бирикувидан ташкил топган қўшма феъллар қандай семантик – синтактик хусусиятларга эга?
3. Туркологияда ёрдамчи феълларнинг вазифалари хусусида мавжуд карашларнинг ўзаро фаркли жиҳатларини айтинг.
4. Ёрдамчи феъллар мустақил сўз сифатида қандай вазифани бажаради?
5. Қайси хусусиятига кўра ёрдамчи феъллар аффиксларга якин туради?

АДАБИЁТЛАР:

1.Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка.- М.:-Л., 1960

2. А.Ҳожиев. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. –Т.: - Фан, 1976

3.Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. – М., 1986.

4. Banguoglu T. Türkçenin Grameri,TDK,-Ankara,1990

5. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.:,-Л.:, Наука,1988

6.Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. –М., 1965

7.Щербак А.М. Очерки по сравнтельной морфологии тюркских языков.(Глагол).-Л.,1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОЗИРГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ФЕЪЛНИНГ ЗАМОН ШАКЛЛАРИ

ҚОЗОҚ ТИЛИ

Ўтган замон феъли шакллари бир неча маъно турларини ҳосил қилишда қатнашади.

1 .Яқин ўтган замон шакли икки хилдир:

а). **−ди,−дь, −ти,−ть** қўшимчалари орқали ясалади:

1. алдим	кўрдьм	аштим
2. алдинг	кўрдьнг	аштинг
3. алди	кўрдь	ашти
1. алдик	кўрдьк	аштик
2. алдингдар	кўрдьнгдер	аштингдар
3. алди	кўрдь	ашти

б). **−ған, −ген, −кан, −кен** қўшимчалари орқали ясалади:

1. алғанмин	кўргенмьн	ашканмин
2. алғансин	кўргенсьнг	ашкансинг
3. алған	кўрген	ашкан
1. алғанбиз	кўргенбьз	ашканбиз
2. алғансингдар	кўргенсьнгдер	ашкансингдар
3. алған	кўрген	ашкан

Ҳурмат билдириш учун *алдингиз, алдингиздар,алғансиз, алғансиздар* шакллари ҳам қўлланади.

2.Ўтган замон ҳикоя феъли.

Ундошлардан кейин **−ип.−ып** , унлилардан кейин эса **−п** қўшимчасини қўшиш орқали ясалади:

1.алиппин	кўрьппин	бермеппьн
2.алипсинг	кўрьпсьнг	бермепсьнг
3.алипти	кўрьпть	бермепть
1.алиппиз	кўрьппьз	бермеппьз

www.ziyouz.com kutubxonasi

2.алипсингдар	кўрьпсьнгдер	бермепсьнгдер
3.алипти	кўрьпть	бермепть

Ҳурмат шакли маъносида *алипсиз, алипсиздар* шакллари қўлланади.

Ҳозирги замон феъллари қозоқ тилида уч хил кўринишга эга.

а).Ундошлардан кейин **–а, –е ;** унлилардан кейин **–й** қўшимчаси қўшиш орқали ясалади:

1. аламин	беремьн	бермеймьн
2. аласинг	бересьнг	бермейсьнг
3. алади	бередь	бермейдь
1. аламиз	беремьз	бермеймьз
2. аласингдар	бересьнгдер	бермейсьнгдер
3. алади	бередь	бермейдь

Бу шакл келаси ва умумзамон маъносини ҳам ифодалайди.Шунга кўра,ўзбек тилига *оламан, .олмоқчиман* , турк тилига *алирим, алажағим* тарзида таржима қилинади.

б).ўтир, жатир, тур, жур ёрдамчи феъллари орқали ясалади. Бунда феъл қурилиши қуйидаги кўринишда бўлади:

Феъл + (и)п + ёрдамчи феъл + шахс-сон қўшимчаси

1.жазип ўтирмин	жазип жатирмин	жазиптурмин
2.жазип ўтирсинг	жазўп жатирсинг	жазиптурсинг
3.жазип ўтир	жазип жатир	жазип тур
1.жазип ўтирмиз	жазип жатирмиз	жазиптурмиз
2.жазип ўтирсингдар	жазипжатирсингдар	жазиптурсингдар
3.жазип ўтир	жазип жатир	жазиптур

в).**–(у)вда, –(у:)вде** қўшимчалари орқали ясалади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.жазувдамин(ёзмоқдаман)	истевдемин(ишламоқдаман)
2.жазувдасин	истевдесинг
3.жазувда	истевде
1.жазувдамиз	истевдемиз
2.жазувдасингдар	истевдесингдар
3.жазувда	истевде

Келаси замон феъли тўрт хил шаклда ясалади.

а).Ундошдан сўнг **–а, –е(э)**, унлидан сўнг эса **–й** қўшимчасини келтириш орқали ясалади:

1.барамин	келемин	ўқиймин
2.барасинг	келесинг	ўқийсинг
3.баради	келеди	ўқийди
1.барамиз	келемиз	ўқиймиз
2.барасингдар	келесингдир	ўқийсингдар
3.баради	келеди	ўқийди

Ушбу замон шакли ўзбек тилидаги ҳозирги – келаси, турк тилидаги умумий(гениш) замон феъллари маъносига мувофиқ келади.

б).Ноаниқ келаси замон бўлиб, ундошдан сўнг **–ар, –ер**; унлилардан сўнг **–р** қўшимчасини келтириш орқали ясалади:

1.алармин	берермин	ўқирмин
2.аларсинг	берерсинг	ўқирсинг
3.алар	берер	ўқир
1.алармиз	берермиз	ўқирмиз
2.аларсингдар	берерсингдер	ўқирсингдар
3.алар	берер	ўқир

в).Яқин келаси замон: жатир, жур, ўтир, тур ёрдамчи феъллари орқали ҳосил қилинади.Бу қуйидаги кўринишда бўлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феъл +-ғали(-гели,-кели,-қали) + ёрдамчи феъл + шахс-сон қўшимчаси

1.барғали жатирмин	келгели утирмин
2.барғали жатирсинг	келгели ўтирсинг
3.барғали жатир	келгели ўтир
1.барғали жатирмиз	келгели ўтирмиз
2.барғали жатирсингдар	келгели ўтирсингдар
3.барғалии жатир	келгели ўтир

г).Келаси замон истак феъли **−мақ(ши), −мек(ши)** қўшимчалари орқали ҳосил қилинади. Унлилардан ва **л, р, в, й** ҳарфларидан сўнг **−мақ(ши), −мек(ши); м, н, нг,з** ҳарфларидан сўнг **−бақ(ши), −бек(ши); к, п, т, с, ш** ҳарфлари билан тугаган феълдан сўнг **−пақ(ши), −пек(ши)** қўшимчалари қўлланади:

1.алмақпин	кезбекшимин	айтпақшимин
2.алмақсин	кезбекшисинг	айтпақшисинг
3.алмақ	кезбекши	айтпақши
1.алмақпиз	кезбекшимиз	айтпақшимиз
2.алмақсингдар	кезбекшисингдер	айтпақшисингдар
3.алмақ	кезбекши	айтпақши

ҚИРҒИЗ ТИЛИ

Аниқ ўтган замон феъли икки хил кўринишга эга.Феъл ўзагига қуйидаги қўшимчаларни қўшиш билан ясалади:

а).**−ди, −дў, −ду, −ду:, −ти, −тў, −ту, −ту:** қўшимчалари орқали ҳосил қилинади:

1.ачтим	кўрду:м
2.ачтинг	кўрду:нг
3.ачти	кўрду:
1.ачтик	кўрду:к
2.ачтингар	кўрду:нгўр
3.ачишти	кўру:шту:

www.ziyouz.com kutubxonasi

б). **−ған, −ген, −ғон, −гўн, −қан, −кен, −қон, −кўн** қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади:

1.ачқанмин	кўргўнму:н
2.ачқансинг	кўргўнсу:нг
3.ачқан	кўргўн
1.ачқанбиз	кўргўнбу:з
2.ақансингар	кўргўнсу:нгўр
3.ачишқан	кўру:шкўн

Ўтган замон ҳикоя феъли (−и)птир, −(ў)птўр, −(у)птур, −(у:)пту:р қўшимчалари орқали ҳосил қилинади:

ачиптирмин	жашаптирмин	кўруптурмун
ачиптирсинг	жашаптирсинг	кўруптурсунг
ачиптир	жашаптир	кўруптур
ачиптирбиз	жашаптирбиз	кўруптурбуз
ачиптирсингар	жашаптирсингар	кўрўптурсўнгўр
ачишиптир	жашашиптир	кўрушуптур

Қўшимча таркибидаги **т** ёки **тир** баъзан алмашинади: *ачипирмин*(очганмишман), *кўрўпсунг*(кўрибсан) каби.

Ҳозирги замон феъли ундош товуш билан тугаган феъл ўзагига **−а, − е, −ў, −ў: ,** унлилардан сўнг **−й** қўшимчаси орқали ҳосил қилинади:

1.аламин(алам)	кў:рў:му:н(кў:рў:м)	ўқуймун(ўқуйм)
2.аласинг	кў:рў:су:нг	ўқуйсунг
3.алат	кў:рў:т	ўқуйт
1.алабиз	кў:рў:бу:з	ўқуйбуз
2.алсингар	кў:рў:су:нгў:р	ўқуйсунгўр
3.алишат	кў:ру:шў:т	ўқушўт

Бундан ташқари **ўтур, жат, жу:р, тур** ёрдамчи феъллари орқали ҳам ҳозирги замон феъли ҳосил қилинади.Бундай феълларнинг кўриниши қўйидагича бўлади:

Феъл+(и)п ёрдамчи феъл+а(е,ў,ў:,у) + шахс-сон қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.алип ўтурўмун	ўқуп жатамин
2.алип ўтурўсунг	ўқуп жатасинг
3.алип ўтурўт	ўқуп жатат
1.алип ўтурўбуз	ўқуп жатабиз
2.алип ўтурўсунгўр	ўқуп жатасингар
3.алип ўтурушўт	ўқуп жатишат

Келаси замон феъли уч хил йўл билан ҳосил қилинади:

а).Феъл ўзагидаги ундошлардан кейин **–а,–е,–ў,–ў:** қўшимчалари билан, унлилардан кейин **–й** қўшимчасини келтириш орқали ясалади:

1.аламин(алам)	ўқуймун(ўқуйм)
2.аласинг	ўқуйсунг
3.алат	ўқуйт
1.алабиз	ўқуйбуз
2.аласингар	ўқуйсунгўр
3.алишат	ўқушўт

б).Ноаниқ келаси замон шакли **–ар, –ер, –ўр, –ў:р** қўшимчалари билан ҳосил қилинади. Унлилардан сўнг **–р** қўшимчаси қўшилади:

алармин	кў:рў:рму:н	ўқурмун
аларсинг	кў:рў:рсу:нг	ўқуршунг
алар	кў:рў:р	ўқур
аларбиз	кў:рў:рбу:з	ўқурбуз
аларсингар	кў:рў:рсу:нгў:з	ўқуршунгўр
алишар	кў:ру:шў:р	ўқушўр

в).Келаси замон истак феъллари **–мақ, –мек, –мўк, –мў:к** ёки **–мақчи, –мекчи, –мўкчу, –мў:кчу:** қўшимчалари орқали ҳосил қилинади:

1.алмақмин	кў:рмў:кчу:му:н
2.алмақсинг	кў:рмў:кчу:су:нг
3.алмақ	кў:рмў:кчу:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.алмақпиз	кў:рмў:кчу:бу:з
2.алмақсингар	кў:рмў:кчу:су:нгў:р
3.алишмақ	кў:ру:шмў:кчу:

ТАТАР ТИЛИ

Аниқ ўтган замон феъли ўзаги унли ва жарангли ундошлар билан тугаган сўзлардан сўнг **–ди, –дў,** жарангсиз ундошлардан сўнг эса **–ти, –тў** қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади:

1.алдим	ку:рдўнг	ачтим
2.алдинг	ку:рдўнг	ачтинг
3.алди	ку:рдў	ачти
1.алдик	ку:рдук	ачтик
2.алдиғиз	ку:рдўгўз	ачтиғиз
3.алдилар	ку:рдўла:р	ачтилар

Ўтган замон ҳикоя феъли ўзакдаги унли ва жарангли ундошлардан сўнг **–ған, –га:н;** жарангсиз ундошлардан сўнг **–қан, –ка:н** қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

1.алғанмин	ку:рга:нмўн	ачқанмин
2.алғансинг	ку:рга:нсўнг	ачқансинг
3.алған	ку:рга:н	ачқан
1.алғанбиз	ку:рга:нбўз	ачқанєиз
2.алғансиз	ку:рга:нсўз	ачқансиз
3.алған(нар)	ку:рга:н(на:р)	ачқан(нар)

Ҳозирги замон феъли ўзаги ундош билан тугаган феъларга **–а,–а:** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади:

барам(ин)	кўла:м(ўн)
барасинг	кўла:сўнг
бара	кўла:

www.ziyouz.com kutubxonasi

барабиз	кўла:бўз
барасиз	кўла:сўз
бара(лар)	кўла:(ла:р)

Сўзлашув нутқида биринчи шахс бирликда одатда **–мин, –мўн** қўшимчалари фаол қўлланмайди ва ***барам, кўла:м*** шакли ишлатилади.

Татар тилида бундай замон шаклида феъл ўзаги қалин унли билан тугаган бўлса, шахс – сон қўшимчаларидан олдин **–й** ундоши қўшилади.Юмшоқ унлилардан кейин эса ҳатто майл қўшимчалари ҳам тушиб қолади ва бевосита шахс – сон қўшимчалари қўшилади. **»а»** товуши билин тугаган феъллларда **«а» > «и»**га, **«а:»** билан тугаса,**»а:» > «ў»** га айланади:

1.английмин	ўшлўмўн
2.английсинг	ўшлўсўн
3.англий	ўшлў
1.английбиз	ўшлўбўз
2.английсиз	ўшлўсўз
3.англий(лар)	ўшлў (ла:р)

Келаси замон феъллари татар тилида икки кўринишга эга:

а).Аниқ келаси замон феъл шакли **–ачак, –а:ча:к** қўшимчалари орқали ҳосил қилинади.Унли билан тугаган феъл ўзакларида бу қўшимчадан олдин **–й** товуши орттирилади:

1.барачакмин	ашайачакмин
2.баракчаксинг	ашайакчасинг
3.барачак	ашайачак
1.барачакбиз	ашайачакбиз
2.барачаксиз	ашайачаксиз
3.барачак(лар)	ашайачак(лар)

www.ziyouz.com kutubxonasi

б).Ноаниқ келаси замон феъл шакли ўзакка ундошлардан сўнг –ир,– ўр, унлиларидан кейин эса –р қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

1.йатирмин	укирмин
2.йатирсинг	укирсинг
3.йатир	укир
1.йатирбиз	укирбиз
2.йатирсиз	укирсиз
3.йатир(лар)	укир(лар)

ТУРКМАН ТИЛИ

Аниқ ўтган замон феъли –дў (–ди,–ду,–ду:) қўшимчалари орқали ҳосил қилинади.Ёзма нутқда учинчи шахс қўшимчаси доимо **–ди,–дў** шаклида қўлланади.Сингармонизм қоидасига биноан биринчи ва иккинчи шахсларда лабланган унлилардан кейин иккинчи бўғинда–**ду,–ду:**, иккинчи бўғиндан сўнгра эса (ёзувда) **–ди,–дў** қўшимчалари келади.

1.алдим	гў:рду:м	ду:шу:ндўм
2.алдинг	гў:рду:нг	ду:шу:ндўнг
3.алди	гў:рдў	ду:шу:ндў
1.алдик	гў:рду:к	ду:шу:ндўк
2.алдингиз	гў:рду:нгўз	ду:шу:ндўнгўз
3.алдилар	гў:рдўлер	ду:шу:ндўлер

Ўтган замон ҳикоя феълини ясовчи қўшимча сифатида **– пдўр (–пдир)** шакли қўлланади:

1.алипдирин	гў:ру:пдўрўн
2.алипдирсинг	гў:ру:пдўрўнг
3.алипдир	гў:ру:пдўр
1.алипдирис	гў:ру:пдўрўс
2.алипдирсингиз	гў:ру:пдўрсўнгўз
3.алипдирлар	гў:ру:пдўрлер

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган замон ҳикоя феълининг учинчи шахси – **миш, –мўш** қўшимчалари орқали ҳам ҳосил қилиниши мумкин: *алмиш, гў:рму:ш,ду:шу:нмўш,гелмўшлер* каби.

Ҳозирги замон феъллари – йа'р, –йа':р қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади:

1.алйа'рин	гў:рйа':рин
2.алйа'рсинг	гў:рйа':рсинг
3.алйа'р	гў:рйа':р
1.алйа'рис	гў:риа':рис
2.алйа'рсингиз	гў:рйа':рсингиз
3.алйа'рлар	гў:рйа':рлер

Ҳозирги замон феъллари туркман тилида *юрмоқ,турмоқ, ўтирмоқ, ётмоқ* ёрдамчи феъллари орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *алип йў:р , ўқа'р йў:ру:с, алип ўтир , гелип йатир* каби.

Келаси замон феъллари икки йўл билан ҳосил қилинади:

а).келаси замон ноаниқ феъли **–ар, – ер** қўшимчалари орқали ясалади. Унли билан тугаган феълларда икки унли қўшилиб узун бир унли товуш юзага чиқади:

1.аларин	гў:рерўн	ўқа'рин
2.аларсинг	гў:рерсўнг	ўқа'рсинг
3.алар	гў:рер	ўқа'р
1.аларис	гў:рерўс	ўқа'рис
2.аларсингиз	гў:рерсўнгўз	ўқа'рсингиз
3.аларлар	гўрерлер	ўқа'рлар

б). келаси замон аниқ феъли **– жак, –жек** қўшимчалари билан ҳосил қилинади. Аммо бу қўшимчали феъллар шахс–сон қўшимчасини олмайди, уларнинг ўрнига феъл олдидан тегишли кишилик олмошлари қўлланилади.

1.мен алжак	мен гў:ржек
2.сен алжак	сен гў:ржек
3.ул алжак	ул гў:ржек

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.биз алжак	биз гў:ржек
2.сиз алжак	сиз гў:рже
3.улар алжак	улар гў:ржек

ТУРК ТИЛИ

Турк тили грамматикасида таянч уч замон (ўтган, ҳозирги ва келаси замон) дан ташқари икки ён замон (воситали ўтган замон – dubitatif, умумий замон – aoriste) феъл шакллари ажратилади. Турк тилидаги феъллар тўрт хил тусланиш кўринишига эга бўлиб, булар феълнинг қайси майлда бўлишига кўра ўзига хос тусловчи қўшимчаларни олади.Бу тусланиш шакллари қуйидагичадир: 1 – тусланиш, яъни билдириш шакли; 2 - тусланиш, яъни тушунтириш шакли; 3 – тусланиш, яъни айтилиш шакли ; 4 – тусланиш , яъни шарт шакли.

Ўтган замон феъллари

1 –тусланиш	*2 - тусланиш*	*3– тусланиш*	*4 – тусланиш*
1.gitdim	gitdiydim	----------	gitdiysem
2.gitdin	gitdiydin	----------	gitdiysen
3.gitdi	gitdiydi	----------	gitdiyse
1.gitdik	gitdiydik	----------	gitdiysek
2.gitdiniz	gitdiydiniz	----------	gitdiyseniz
3.gitdiler	gitdiydiler	---------	gitdiyseler

Воситали ўтган замон феъллари

1 тусланиш	*2 – тусланиш*	*3 – тусланиш*	*4 –тусланиш*
1.sevmişim	sevmiştim	sevmişmişim	sevmişsem
2.sevmişsin	sevmiştim	sevmişmişsin	sevmişsen
3.sevmiş	sevmişti	sevmişmiş	sevmişse
1.sevmişiz	sevmiştik	sevmişmişiz	sevmişsek
2.sevmişsiniz	sevmiştiniz	sevmişmişsiniz	sevmişseniz
3.sevmişler	sevmiştiler	sevmişmişler	sevmişseler

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умумий замон феъллари

1 – тусланиш	*2 – тусланиш*	*3 – тусланиш*	*4 –тусланиш*
1.gelirim	gelirdim	gelirmişim	gelirsem
2.gelirsin	gelirdin	gelirmişsin	gelirsen
3.gelir	gelirdi	gelirmiş	gelirse
1.geliriz	gelirdik	gelirmişiz	gelirsek
2.gelirsiniz	gelirdiniz	gelirmişsiniz	gelirseniz
3.gelirler	gelirdiler	gelirmişler	gelirseler

Ҳозирги замон феъллари

1 –тусланиш	*2 – тусланиш*	*3 – тусланиш*	*4 –тусланиш*
1.acıyorum	açıyordum	açıyormuşum	açıyorsam
2.açıyorsun	açıyordun	açıyormuşsun	açıyorsan
3.açıyor	açıyordu	açıyormiş	açıyorsa
1.açıyoruz	açıyorduk	açıyormuşuz	açıyorsak
2.açıyorsunuz	açıyordunuz	açıyormuşsunuz	açıyorsanı
3.açıyorlar	açıyordular	açıyormuşlar	açıyorsalar

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келаси замон феъллари

1 –тусланиш	*2 – тусланиш*	*3 – тусланиш*	*4 –тусланиш*
1.verecegim	verecektim	verecekmişim	vereceksem
2.vereceksin	verecektin	verecekmişsin	vereceksen
3.verecek	verecekti	verecekmiş	verecekse
1.verecegiz	verecektik	verecekmişiz	vereceksek
2.vereceksiniz	verecektiniz	verecekmişsiniz	verecekseniz
3.verecekler	verecektiler	verecekmişler	verecekseler

Маьлумки, ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда «буйруқ – истак майли» номи билан бир группага бирлашувчи формалар ясалиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга.

Туркий тилларда, қолаверса, ўзбек тилида буйруқ – истак майли масаласи бўйича грамматикаларда берилган маьлумотлардан ташқари махсус тадкикот ишлари ҳам ёзилган.

Лекин бу майл группасига кирувчи формаларнинг ўзаро муносабатини белгилашда ва уларни номлашда ўзбек тилшунослари ўртасида бирлик йўқ. Масалан, А.Н.Кононов булардан 1 ва 2 шахс формаларигина буйруқ майлини ташкил этади, 1 шахс формалари эса семантик жиҳатдан ҳам буйруқ майли формаларига мос келмайди, деб қарайди.

Эски ўзбек тили бўйича ёзилган асарларда ҳам ҳар хилликлар кузатилади. Бу масалада фақат ўзбекшуносликда эмас, балки бошқа туркий тиллар бўйича ҳам тадқиқотчилар ўртасида бирлик йўқлиги маьлум.

Бу формаларнинг маьноси ҳақида гап борганда,буларнинг ҳар бирида ҳам истак, ҳам буйруқ маьнолари (ёки маьно оттенкалари) мавжудлиги фактини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга, бу формаларнинг айримлари учун (хусусан 1 шахс формалари учун) истак маьноси, айримлари учун буйруқ маьноси биринчи ўринда туради. 3 шахс формалари учун эса истак маьноси ҳам, буйруқ маъноси ҳам характерлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1.Туркий тилларда феъл замон шаклларининг турларини белгилашда қандай мезонларга таянилади?
2. Замон шаклларини ҳосил қилишнинг туркий тилларга хос усулларини таърифланг.
